ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

КУНДАЛИК ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМА

1991 йил 13 декабрь
ЖУМА
№ 241 (5.284).
Баҳоси 8 тийин.

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

ТОЗА НАСЛ — ҲОСИЛИ АСЛ

Азал-азалдан деҳқончиликнинг асоси ҳисобланган уруғчиликка, навни тоза сақлашга алоҳида эътибор билан қаралган. Зеро, барчага аён оддий ҳақиқат бор: сара уруғликка эга бўлмасдан туриб экин ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш мушкул. Республикамизда ғўза узоқ йиллар яккаҳокимлик қилиб, навини яхшилашга етарли эътибор берилмади. Янги хилларини синовдан ўтказиш, маъқулларини танлаш ва уруғини кўпайтириш ишларида талай камчиликларга йўл қўйилди.

Жумҳуриятимиз мустақил давлат, деб эълон қилиниши қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари қаторида селекция ва уруғчиликни ҳам тартибга солиш, эркин ривожлантириш учун кенг йўл очиб берди. Узоқ йиллар марказдан белгиланган режаларни бажариш, «пахта мустақиллиги»га эришиш, «байналмилал бурч»ни адо этиш каби талаблар бугунги кунда деҳқончилик-саноат мажмуида номутаносибликларни келтириб чиқарди. Эндиликда қишлоқ хўжалиги экинлари тузилишини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Жумҳуриятимиз раҳбариятининг бевосита ташаббуси ва қатъий сиёсати туфайли кейинги икки йилда пахта тайёрлаш режаси деярли бир миллион тоннага камайтирилди. Сўнгги тўрт йилда оқ олтин етиштириладиган майдонлар 2 миллион 108 минг гектардан 1 миллион 729 минг гектарга тушди. Ғўзанинг якка зироатчилигига чек қўйилди. Натижада деҳқончиликнинг бошқа тармоқларини ва чорвачиликни тараққий қилдириш, томорқа хўжалигини кенгайтириш, алмашлаб экишни кенг жорий этишга йўл очилди. Айни пайтда пахта ҳосилдорлиги аста-секин барқарор ўса бошлади. Агар 1987 йилда гектаридан ўртача 23,1 центнердан ҳосил олинган бўлса, бултур бу кўрсаткич 27,6, жорий йилда эса 27 центнерга етди.

Бундан буён пахтачилик бошқа тармоқларга зарар етказмайди. Шу билан бирга етакчи, асосий соҳалардан бири бўлиб қолади. Ҳисоб-китобларга кўра ғўза бошқа кўпгина экинларга нисбатан 1,5—2 марта оз сувни талаб қилади, аҳолини меҳнатга тўлиқроқ жалб этиш имконини беради, катта даромад келтиради, муҳими, бундай хом ашёни етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш борасида тажриба бор.

Кўриниб турибдики, тармоқни илмий асосда, оқилона ривожлантира бориш лозим. Иш шундай йўлга қўйилса ҳосилдорликни 5—6 центнерга ошириш ва чигит қадаладиган майдонларни 1,4—1,5 миллион гектаргача қисқартирган ҳолда йилига 4,5—5 миллион тонна атрофида пахта хом ашёси олиш мумкин. Бу барча имкониятлардан фойдаланишни, илмий тавсиялар, изланишларни кенг қўлланишни тақозо этади. Аввало селекция ва уруғчилик ишларини, жумладан нав алмаштиришни тўғри, оқилона йўлга қўйиш керак. Бунинг учун янги, сифатли навларни яратиш, қисқа муддатда синовдан ўтказиш, уруғни тез кўпайтириш ҳамда эскилари ўрнига жойлаштиришни жадаллаштириш лозим.

Нав алмаштириш бениҳоя муҳим жараёндир. Агар унинг тарихига назар ташласак, 1920 йилдан бери Ўзбекистонда 6 марта ғўза навлари алмаштирилди. Ҳар гал пахта ҳосилдорлиги 4—6 центнерга оширилди, тола сифати ва чиқими кескин яхшиланди. 1947—1964 йилларда бўлган тўртинчи нав алмаштириш пахтачиликда катта из қолдирди. Шу даврда жумҳуриятимиз пахтазорларида Ф—108, С—4727 навлари кўплаб экила бошланди. Натижада ҳосилдорлик 5—10 фоиз, биринчи сорт салмоғи 15 фоизга ортди. Кўсаклар 7—10 кун эрта очилишига эришилди. Улар деҳқонбоплиги, тола сифати яхшилиги туфайли ҳозир ҳам қадалмоқда. Ушбу навларнинг камчилиги шундаки, улар 60-йилларда вилт касаллигига бардош беролмай қолди.

1965—1972 йилларда вилтга қарши курашиш мақсадида Ф—152, Ф—153, Ф—159 сингари навлар жорий этила борди. Бироқ етти йил давом этган мазкур бешинчи нав алмаштириш даврида вилт муаммоси ечилмасдан қолди. Бу касаллик, айниқса, 1969 йилда катта зарар етказди. Олтинчи нав алмаштириш (1972—1981 йиллар) мобайнида ушбу муаммони ечиш учун катта илмий, ташкилий ишлар амалга оширилди. Академик марҳум С. Мирахмедов томонидан яратилган ғўзанинг «Тошкент» навлари вилт офати етказаётган зарарни кескин озайтирди. Республика бўйича ҳосилдорлик 5—6 центнер ошди. Ғўзанинг вегетация даври Ф—108 навига нисбатан 7—10 кун қисқарди. Аммо «Тошкент» навларининг тола сифати бурунги вилтга чидамсиз навларникига нисбатан анча паст, асосан олтинчи типга мансуб эди.

70-йилларнинг охирида селекционерлар олдига вилтга бардошли, шу билан бирга сифатли тола берадиган навлар яратиш масаласи қўйилди. Бу иш 80-йиллар бошида киришилган ва ҳозирга қадар давом этаётган еттинчи нав алмаштириш даврида тез амалга оширила бошланди. «Қизил равот», АН-Ўзбекистон-3, Самарқанд-2, Оқ олтин, Ф—175, Чимбой-3010 ва бошқа навлар амалиётга кириб келди. 1984 йилда янги навлар қадаладиган майдонлар 800 минг гектардан ошиб кетди. Кейинги йилларда С—6525, Қирғизистон-3, Бухоро-6, С—9070, Фарғона-3, АН—410, АН—510 навлари районлаштирилиши туфайли олтинчи типга мансуб ўрта толали пахта навлари экиладиган майдонлар икки баравар қисқарди. Уларнинг ўрнини толаси бешинчи тип навлар эгаллади. Бугунги кунда ўрта толали ғўза навларининг тола хиллари бўйича тўқимачилик саноати талаби тўла қондирилмоқда. Лекин толада айрим талаблар бўйича камчиликлар мавжуд.

Еттинчи нав алмаштириш давомида ингичка толали навлар яратишда катта силжишга эришилди. Жуда кеч пишадиган, тола сифати паст И—5904 нави ўрнига сёрҳосил, толаси яхши «Термиз-7», «С—6037», «Термиз-14», «Термиз-16» навлари яратилди. Жорий нав алмаштириш ниҳоясига етаётган ҳозирги даврда яна бир жиддий ўзгариш рўй берди. Ягона етакчи нав ўрнига ҳар бир минтақа учун нав-етакчи пайдо бўлди. Навлар сони 2—3 баравар кўпайиб, ҳар вилоят учун маҳаллий шароитга мос келадиганини танлаш имкони яратилди. Бугунги кунда Сурхондарёда Термиз-16, Тошкентда С—6524, Хоразмда Ф—175, Қашқадарёда Ф—108, Қорақалпоғистонда С—4727, Бухорода Бухоро-6, Самарқандда Қирғиз-3 навлари 50—75 фоиз пахтазорни эгаллаб, етакчи бўлиб қолди. Шу билан бирга айрим районларда, ҳатто хўжаликларда 5—6 тадан нав экилиб, уруғчилик иши қийинлаштирилмоқда. Демак, хато навларнинг кўплигида эмас, улар нотўғри жойлаштирилишидадир.

Бундан ўн йил муқаддам бошланган ва ҳозиргача давом этаётган еттинчи нав алмаштириш маълум илмий режа асосида ўтказилувчи, аниқ мақсадли ва чегараланган тадбирга айланмади, шу боисдан у ҳануз тугалланмаяпти. Навлар режаси алмаштириб турилиши ўрнига уларни оддийгина кўпайтириш ва кенгайтириш жараёни рўй бермоқда. Оқибатда 4—5 нав алмаштириш даврида яратилган кечпишар Ф—108, вилтга чидамсиз С—4727 каби эски навларни сақлаб туришга мажбур бўлинмоқда. Сўнгги йилларда яратилган навларнинг сифати пастлиги сабабли баъзилари (С—6040, С—2602, Андижон-2, С—9063, Ан-Самарқанд-2, Чимбой-160) районлаштирилгандан сўнг атиги бир-икки йилгина амалда синаб кўрилди, кейин экилмай қўйилди. Ҳолбуки уларни яратиш, синаш ва кўпайтириш учун қанчадан-қанча вақт, куч, маблағ сарфланган.

Еттинчи нав алмаштириш давомида йўл қўйилган жиддий ва катта камчиликлардан бири тола чиқими юқори бўлган навлар яратиш бўйича режалар бажарилмаганлигидир. Уларни кашф этиш ва катта майдонларга экиш олдинга силжиш ўрнига ортга кетди. 34—36,6 фоиз тола берадиган Ф—108, С—4727 ўрнига асосан вилтга чидамли, бироқ тола чиқиши 30—32 фоиз бўлган навлар экила бошланди. Ф—175, С—6524, Оқ олтин, Қизил равот, Ан-Боёвут-2, Қирғизистон-3, Бухоро-6, С—9070, шулар жумласидан. Мазкур навлар экилаётган жами майдон 1 миллион гектардан зиёд бўлиб, умумий пахтазорнинг 65 фоизини ташкил этади. Агар 1950—1965 йилларда республикамизда етиштирилган оқ олтин хом ашёсидан 34—35 фоиз тола олинган бўлса, эндиликда бу 32 фоизга тўғри келмоқда. Ваҳоланки, ички ва ташқи бозорларда пахта тола сифатида сотилади. Шундай экан, навбатдаги саккизинчи нав алмаштиришда селекция бўйича изланишларда ғўзанинг шу хусуснятига, яъни пахта толаси чиқимини кўпайтиришга эътибор қаратилмоғи лозим.

Тола чиқиши 35—38 фоиз бўлган, бешинчи типга мансуб Чимбой-3010, Юлдуз, АН-415, АН-510, ИНЭБР-1 навлари селекция йўли билан бир вақтнинг ўзида толанинг ҳам сифати, ҳам чиқими юқори бўлишига эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Ҳозир экилаётган навларда яна бир нуқсон бор: толаси чиғитдан қийинлик билан ажралади. Бу қусур пахта тозалаш заводлари ишида кейинги пайтларда тез-тез учрамоқда. Шунингдек, бугунги навларнинг кўпчилиги пишиб етилиш муддати билан ҳам деҳқонларни қониқтирмаяпти. 110—120 кунда очиладиган, ҳосилини октябрнинг ўрталарига қолдирмай саранжомлаш мумкин бўлган навлар оз. Бундан ташқари айримлари вилтга чидамлилигини йўқотмоқда. Баъзилари биринчи сорт хом ашё бермаяпти.

Эски навларни улардан устун бўлган янгилари билан алмаштириш кўп жиҳатдан селекциячиларга боғлиқ. Бу юмуш билан учта илмгоҳ шуғулланади. Булар «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Зайцев номли ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот билимгоҳи ва республика Фанлар академиясининг экспериментал биология илмгоҳидир. Пахтачилигимизда уларнинг хизмати катта, албатта. Бироқ бу билимгоҳлар кейинги беш-олти йил мобайнида ўзлари белгилаган талай режаларни амалга оширишолмади. Зайцев номли ғўза селекцияси ва уруғчилиги билимгоҳининг 2000 йилгача мўлжалланган дастурида 1990 йилда кўсаклари 110—120 кунда очиладиган, гектаридан 60 центнергача ҳосил берадиган, тола чиқими 40 фоизгача, ёғ чиқими 22 фоизгача бўлган, вилтга бардошли, индустриал технологияга мослашган навлар яратиш, уларнинг чигитлари таркибида госсиполи оз, оқсил моддаси кўп бўлиши, гоммоз ва илдиз чириш касалликларига, ўргимчакканага, сувсизликка бардошлилиги ўрганилиши ёзиб қўйилган. Афсуски, бу эзгу мақсадлар амалга ошмай қолди.

Республикамизда Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси ташкил этилди. Ҳозир у 1991—1995 йилларда илмий йўналишлар учун «Пахта» дастури устида иш олиб бормоқда. Дастурнинг селекция қисмида бўлажак янги навлар яратишнинг тиғиз, лекин аниқ режалари белгиланиши мўлжалланмоқда.

Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, токи нав янгилаш беш йиллик тартиб бўйича амалга оширилсин ва вақти-вақти билан сифатли нав алмаштирилиши таъминлансин. Мавжуд навларни янгилаш билан алмаштиришнинг аниқ тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим. Бу борада ҳар бир тажрибахона ва селекционернинг, тажриба станциялари ходимларининг масъулиятини ошириш, уларга шароит яратиб бериш, замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, экспериментал базалар ишини яхшилаш керак.

Кўпчилик пахтакор мамлакатларда тола сифати унинг йигирув хусусиятларига қараб белгиланади. Дунё бозорида оқ олтинга ҳам асосан шунга қараб нарх қўйилади. Бизда эса толага баҳо беришда, сортини аниқлашда асосан унинг узилиш қуввати, пишиқлиги биринчи ўринга қўйилди. Бу иккита толанинг бир-биридан фарқи бор. Масалан, С-6524 нави толаси жаҳон бозорида юқори қадрланади. Аммо бизда у биринчи сорт хом ашё бермайдиган деб камситилади. Шундай камчиликлар туфайли Ўзбекистонда етиштирилаётган пахтадан йилига 100 миллион сўм, хорижда сотиладиган хом ашёдан 7 миллион доллар оз даромад қилинмоқда.

Шулар ҳисобга олиниб, 1992 йилнинг 1 мартидан толани аниқлашнинг янги талаб (стандарт)ига ўтила бошланади. Демак, ғўза селекцияси билан шуғулланадиган илмгоҳлар навлар устида иш олиб бораётганда шу талабни қўллашлари зарур.

Илмгоҳларда яратилган нав технологик сифатида районлаштирилишдан олдин марказ назоратида, Россия тўқимачилик фабрикаларида синаб кўриларди. Баъзан бу иш ҳаддан ташқари чўзилиб, гоҳо сифати тўғри аниқланмасди. Шу боисдан навларнинг технологик хоссалари жумҳуриятимиз тўқимачилик корхоналарида синовдан ўтказилиб аниқланиши учун фурсат етди.

Яратилган навлар ҳаётга йўлланма олиши кўп жиҳатдан давлат нав синаш шохобчаларида тўғри ўрганилишига боғлиқ. Бу борада ҳам бир талай камчиликлар мавжуд. Москва, Навоий, Чимбой, Шаҳрисабз ва бошқа жойларда участкалар тупроғини тайёрлаш, экиш, ишлов бериш ва суғориш ишлари ўз вақтида бажарилмаганлиги, агротехник тадбирлар сифатсиз ўтказилганлиги аниқланди. Натижада улардан олинган маълумотлар нав имкониятларини тўлиқ акс эттиролмайди.

Ҳозирги пайтда селекционер олимлар, уруғчилик, нав синовчиларнинг ҳуқуқини аниқлаб берадиган. навларни ва уларнинг муаллифларини муҳофаза қиладиган қонун йўқ. Уни яратиш лозим.

Эски навларни районлаштиришдан олдин жамоа ва давлат хўжаликларида камида 1,5 минг гектар майдонда синовдан ўтказиш тавсия этилади. Бироқ бу борада ҳам нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Нав синашни ташкил қилиш кўпинча унинг муаллифи зиммасига юкланяпти. Селекционер ғайратли, тадбиркор, ташаббускор бўлса яхши, камтарлик қилса нави сифатидан қатъий назар эътибордан қолиши ҳеч гап эмас. Шундай камчиликлар туфайли Қарши-3, Қарши-4, Қарши-7, С-2606 навлари ўз вақтида кенг синовдан ўтмади ва оқибатда районлаштирилмади. Негаки уларга жон куйдирадиган ташкилот ёки киши топилмади. Худди шу сабабларга кўра толаси сифатли, серҳосил С-6524 нави ҳам назардан қолиб кетишига оз қолди. У 1985 йилда уруғчилик бошқармаси эътиборидан четда эди. Бунинг устига улар мазкур навга қарши чиқишди. Фақат Тошкент вилоятидаги Навоий номли жамоа хўжалиги мутахассисларининг ташаббуси билан у ишлаб чиқаришга йўл олди.

Нав алмаштириш ва нав янгилаш бир-бири билан узвий боғлиқ жараёнлардир. Навни янгилашни тўғри йўлга қўйишда элита уруғчилик хўжаликларининг аҳамияти катта. Республикамизда янги навларни кўпайтирувчи ўнта, районлаштирилган навларни кўпайтирувчи 59 та элита хўжаликлари бор. Ҳар бир шундай хўжалик 35—40 минг гектар ерни уруғлик билан таъминлаши керак. Демак, 59 та элита хўжалиги 2 миллион гектардан зиёд майдонни уруғлик чигит билан таъминлаши мумкин. Жумҳуриятимиз бўйича эса ҳозирги пайтда 1 миллион 720 минг гектарда пахта етиштирилмоқда. Бинобарин, элита хўжаликлари сонини 10—15 тага озайтирса бўлади.

Нав алмаштиришда Хоразм вилояти пахтакорларининг тажрибалари диққатга сазовор. Бу ерда ўн йилдан бери фақат иккита нав: Ф-175 ва «Қизил равот» экиб келинмоқда. Вилоятда элитачилик яхши йўлга қўйилган.

«Ўзсемхлопок» республика бирлашмаси ташкил этилганига икки йил бўлаяпти. Шунга қарамасдан унинг ходимлари навларни яхшилаш ва алмаштириш ишларини тўғри йўлга қўя олмаяптилар. Бир мисол. 1991 йилда С-6530 нави бўйича тўртта элита хўжалиги очилди. Ҳолбуки, унинг экин майдони бор-йўғи 5,4 минг гектарни ташкил этарди. Тўртта элита хўжалиги учун бу навлар майдони 150 минг гектар бўлмоғи керак. Шу билан бирга ҳар йили 25—30 минг гектар ерга қадалаётган Андижон-60 нави учун ҳанузга қадар элита хўжалиги очилмаган.

(Давоми 2-бетда).

Ойшахон Турсунова номи «Правда» колхозидагина эмас, балки Задарё районидаги аксарият хўжаликларнинг чорвадорлари томонидан ҳурмат билан тилга олинади. У меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга қаратилган хайрли ташаббуслар бошловчисидир. Шу масъулиятли кезларда қарамоғидаги ҳар сигирдан кунига 10 килограммдан сут соғиб олишга эришмоқда.

А. КЎКИМИРЗАЕВ олган сурат.

Мирзачўл районидаги Султон Сегизбоев номли давлат хўжалигида молларни рацион асосида парваришлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Озуқа цехи тўла унум билан ишлаяпти. Бунда оператор Абдуваҳоб Қўйлибоевнинг хизмати катта. У кунига 32 тонна емиш тайёрлаб бермоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Шофиркон районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги далаларида тўғаб бораётган мавсум ишлари ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Лекин унинг меҳнаткашлари келгуси қишлоқ хўжалик йилига ҳозирлик кўришмоқда. Хўжалик ремонтчилари техникани тиклашмоқда, бу техника баҳор фаслида деҳқонларнинг энг яқин ёрдамчиси бўлади.

Слесарлар эҳтиёт қисмлар ҳамда агрегатлар етказиб беришда узилиш бўлаётганига қарамай, ишларни яхши йўлга қўйдилар. Машиналар тузилган жадвал асосида ўз вақтида ремонтдан чиқарилмоқда. Бу шу билан изоҳланадики, жамоа хўжалигида жиддий шикастланган техника деярли йўқ. Хўжаликда ҳар бир тракторни алоҳида механизаторга бириктириб қўйишган. У бутун мавсум давомида машинани кузатиб боради. Шундай қилиб, механик ҳайдовчилар ўз машиналари тинимсиз ишлашидан манфаатдордирлар.

Тугаб бораётган мавсум ҳам буни исботлади. Хўжалик пахтакорлари октябрь ойининг охиридаёқ етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олдилар. Гектар бошига ўрта ҳисобда 35 центнердан, илғор бригадаларда эса 40 центнердан кўпроқ хом ашё олинди. Пахтанинг кўп чилик қисми машиналарда терилди. Ҳосилни йиғиштириб олинган далаларга ҳайдов тракторлари чиқарилди. Айни вақтда далалар текисланди, маҳаллий ва минерал ўғитлар солинди. Устахоналарда тайёрланган механизмлар бирор марта ҳам панд бермади. Натижада деҳқончилик ишларини тез ва соз ўтказиш имконияти туғилди.

* * *

Янгиариқ районидаги Чапаев номли жамоа хўжалигида боғдорчилик яна алоҳида тармоққа айлантирилди. Энди бу ерда мевали дарахтлар майдони 70 гектарга етказилди. Келаси йилда мўл ҳосил бўлиши кутилмоқда.

Хўжаликда илгари ҳам боғлар ва токзорлар бор эди, лекин улар аста-секин йўқ бўлиб кетди. Кўп йиллар мобайнида тармоққа кам эътибор беришди. Мирзачўл боғбонлар, махсус техника, кўчатлар етишмасди. Хўжаликка яқин ерда Туямўйин сув омбори жойлашгани ҳам бунга ҳалақит берарди. Ер ости сувлари кўтарилиб, дарахтларга қирғин келганди.

Энди хўжаликда мевазор майдонлар тиклашга қарор қилишди. Тепаликда жой танлашди, у ерга сув олиб чиқишди, кўчатхоналардан шафтоли, олхўри, беҳи, ўрик, олманинг мўл ҳосил берадиган кўчатларини сотиб олишди. Ижара жамоалари эса боғларга парвариш берадиган бўлди. Бу йил ёз фаслида жамоа хўжалиги меҳнаткашлари дастлабки ҳосилни йиғиштириб олдилар. Ҳосил унча кўп эмасди, лекин мевалар жамоа хўжалиги аъзоларигагина эмас, айни вақтда район маркази ҳамда қўшни қишлоқларнинг аҳолисига сотиш учун ҳам етди.

ИШЛАЙДИГАН ДАВР КЕЛДИ

Омонжон Абдуллаев ўн саккиз йилдирки, Энгельс номли жамоа хўжалигининг Х. Мамажонов бошлиқ бригадасида сувчи. Миршкор деҳқоннинг ҳаёт йўли саргузаштларга бой.

— Ота-онам Хонобод қишлоғидан, — дейди у. — Донг таратган деҳқонлардан. Улар 1927 йили бир гуруҳ ҳамқишлоқлари билан бирталикда Сурхондарё вилоятига отланишган. Денов районида барча хонободликлар жам бўлишиб, «Қизил Фарғона» жамоа хўжалигини тузишган. Пахта экиб, юқори ҳосил ола бошлаганлар.

Отам 1942 йилнинг кузида Улуғ Ватан урушига жўнаб кетдилар. Орадан кўп ўтмай, жангларнинг бирида ҳалок бўлганликлари ҳақида «қора хат» келди. Мен 12 ёшда эдим. Онам билан далага чиқиб, ерга чигит экишдан тортиб, йиғим-теримгача барча ишларда кўмаклаша бошладим. 1955 йилда онам оламдан ўтдилар. Оила ташвиши зиммамга тушди. Кунлар ўтган сайин киндик қоним тўкилган Хонободни тез-тез қумсайдиган бўлиб қолдим. Қариндош-уруғларга хат битиб, улар билан алоқа боғладим. 1956 йили ҳаётимда унутилмас воқеа бўлди. Наманган вилоятида жумҳуриятда биринчи бўлиб «Ҳосил байрами» ўтказилиши радио орқали хабар қилинди. Гўё она юртим тантана ўтказарди. Уста пахтакорлар, мутахассислар кўрсатмаларига амал қилиниб, барча майдонлар қайтадан текислаб чиқилди. Алмаштириб экиш кенг жорий қилинди. Чигитни пуштага қадаб хўжаликда биринчи бўлиб шу бригадада синаб кўрилди. Бир вақтнинг ўзида пуштага органик ўғит солиб кетиш тажрибаси ўзини оқлади. Мана, тўрт-беш йилдирки, пахта тайёрлаш режаси сентябрь ойи бошларидаёқ бажарилаяпти. Ҳосилдорлик 45—46 центнерни ташкил қилмоқда.

Деҳқон фарзанди ўтган йили қарилик нафақасига чиқди. Ҳали унинг куч-қуввати етарли. Ўз тенгдошлари Исмоилжон Ҳалилов, Мамадали Низомов билан ҳамкорликда баракали ишлаяпти. Бу йил унга ишонч билдириб, 20 гектар ер беришди. Оилавий звено бўлиб буғдойга беда уруғини аралаштириб сепишди. Юксак хирмон кўтаришди.

Инсон умрини оқар сувга қиёслашади. Омонжон ака ҳам ҳаёт дарёсида оқиб, кўпгина эзгу ишларни бажарди. Бутун ҳаётини деҳқончиликка, ўз ризқини ердан ундириб олишга бағишлади.

— Мана энди меҳнаткашнинг кўксига шамол тегадиган кунлар келди, — дейди О. Абдуллаев. — Президентимизнинг кўпгина фармонларини бободеҳқонга ғамхўрликнинг тимсоли деб биламан. Ишлайдиган давр келди. Бутун куч, бой тажрибаларни ишга солиб, ҳар қанча тер тўксанг арзийди.

А. ХОЛМИРЗАЕВ.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг сессияси бўлди.

Вилоят Кенгаши раиси С. Д. Сайдалиевнинг Тошкент вилоятининг РСФСР, Омск, Кемерово вилоятлари билан тузган ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар ҳақидаги ахбороти тинглади. Депутатлар бу шартномаларни маъқулладилар.

Ташкилий масала кўриб чиқилди. Э. М. Рўзиев Ўзбекистон Халқ-демократик партияси вилоят Кенгашининг биринчи котиби этиб сайлангани муносабати билан у вилоят Кенгаши ижроия комитетининг раиси вазифасидан озод қилинди.

Сессияда бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

НАВБАТДАГИ МАЖЛИС

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши сиёсий ижроия комитетининг навбатдаги мажлисида партия маркази кенгаши III пленумини чақириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Пленумни 14 декабрда чақириш, унинг кун тартибига республикадаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазият шароитида партия фаолиятининг биринчи галдаги вазифалари тўғрисидаги масалани киритишга қарор қилинди.

Ўзбекистон Халқ-демократик партияси марказий кенгаши комиссиясининг партия мол-мулкининг бир қисмидан партия хўжалиги эҳтиёжлари учун ва аҳолининг ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш тўғрисидаги таклифлари муҳокама қилинади.

Сиёсий ижроия комитет мажлисида республика Олий Кенгашида Ўзбекистон Халқ-демократик партияси халқ депутатлари гуруҳи низоми тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Партиянинг депутатлар гуруҳи ўз ишини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, республика Олий Кенгашининг иш тартиби, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Дастури ва Низоми, шунингдек парламент фаолиятининг халқаро қоидалари асосига қуради.

Низом тасдиқланди, уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатига тақдим этишга қарор қилинди. Собиқ Иттифоқ таркибидаги мустақил давлатлар демократик партиялари билан бўлажак ҳамкорлик тўғрисидаги қарор лойиҳаси маъқулланди.

Партия ички турмушининг бошқа масалалари ҳам муҳокама қилинди.

ТОЗА НАСЛ — ҲОСИЛИ АСЛ

(Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли бошқармалари 9871-И, С-6037, Оқ олтин, Андижон-9, С-4880, Андижон-60 навларига ўз муносабатларини билдиришлари лозим. Негаки, уларнинг элита хўжаликлари аллақачон ёпилган ёки очилмаган бўлишига қарамасдан маълум майдонларга экиб нелинмоқда. Ан-Ўзбекистон-3 9883-И, Андижон-13, АН-510 навларининг экинзорлари 4—14 минг гектар атрофида бўлишига қарамай уларнинг элита хўжаликлари сақланиб турибди. Агар ўн йилдан бери давом этаётган еттинчи нав алмаштиришдан саккизинчи нав алмаштиришга ўтишни тезлаштирмоқчи бўлсак, ҳар бир навни бирма-бир кўриб чиқиш, қайсисини экиш ва қайсисини экмаслик тўғрисида дадил иш юритиш лозим.

Кейинги беш йил мобайнида навларни экиш майдонларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Термиз-16, С-6524, Қирғизистон-3, Бухоро-6, С-9070, «Қалдуз» навларининг экинзорлари аста-секин кўпайиб бормоқда. Ф-108, С-4727, Самарқанд-3, Ан-Ўзбекистон-3, Ан-Боёвут-2, Андижон-9 навларининг майдонлари гоҳ камайиб, гоҳ қисқариб туради. Баъзилари жуда оз ерга қадалади. Бундай беқарорлик уруғчиликни яхши йўлга қўйишга ҳалал беради, қийинчилик туғдиради. Шундай бўлмаслиги учун экинзорлари камайган навларни районлаштиришдан чиқариб, ўрнига серҳосил, тезпишар, толаси сифатли навларни кенгайтириш керак.

Республикамизда 200 дан ортиқ уруғчилик хўжаликлари мавжуд. Уларнинг ишида ҳам нуқсонлар оз эмас. Кўпчилигида чигит камҳосил майдонларга экилмоқда. Ўғит солишда азот ва фосфорнинг меъёрида бўлишига амал қилинмаяпти. Агротехника тадбирлари ўз вақтида бажарилмайди. Бу камчиликлар мўл, сифатли уруғлик етиштиришга салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Уруғлик пахта лабораторияларининг ҳаммасида ҳам нормал меҳнат шароити яратилмаган. Аксарияти мослаштирилган биноларда жойлашган, эскирган ускуналар билан жиҳозланган. Келтирилган хом ашё бундан 50 йил бурун яратилган асбоблар ёрдамида текширилмоқда. Уруғлик чигит сифати тўғрисида гапирганда пахта тозалаш заводларининг тутган ўрнига тўхталмоқ керак. Уруғлик яхши бўлса гектаридан 2—3 центнер қўшимча ҳосил олиш мумкин. Бироқ сўнгги йилларда айрим заводлар бундай чигит сифатига етарли эътибор беришмаяпти. Бир неча йил илгари қатор пахта заводларини уруғчиликка ихтисослаштириш, уруғлик тайёрлаш бўйича цехлар, омборхоналар қуриш кўзда тутилганди. Аммо ушбу қарорлар ижроси барбод бўлди. Бугунги кунда юзга яқин заводлар, яъни мавжуд корхоналарнинг 80 фоиздан зиёди уруғлик тайёрлаш билан шуғулланмоқда.

Шунингдек, ғўза селекцияси ва уруғчилиги, уруғлик тайёрлаш билан боғлиқ бўлган мутахассис ва олимларни рағбатлантириш, моддий манфаатдорлигини оширишга эътиборни кучайтириш зарур.

Кўриниб турибдики пахта уруғчилигини яхшилаш бўйича жуда кўп ва жиддий муаммолар йиғилиб қолган. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида бўлиб ўтган пахта навларини янгилаш ва уларни такомиллаштириш бўйича жумҳурият кенгашида ана шу масалалар кўрилди. Вазир М. Исломовнинг маърузасида, сўзга чиққан нотиқларнинг нутқларида тармоқдаги ютуқ ва камчиликлар рўйрост, чуқур манфаатдорлик билан, қизғин муҳокама қилинди.





Иштихон ноҳиясидаги Митан пахта тозалаш заводи ўз маҳсулотларининг бир қисмини жаҳон бозорига чиқармоқда. Шу кунларда жамоа пахта хом ашёсидан ажратиб олинган тола маҳсулотларини буюртмага мувофиқ Японияга жўнатмоқда. Айни чоғда хориж билан ўзаро манфаатли маҳсулот айрибошлаш ҳам йўлга қўйилган.

СУРАТЛАРДА: 1. Пахта тойларини ортувчи Сайдулла Очилов. У 8 йилдан бери мазкур корхонада ҳалол меҳнат қилиб келаяпти. 2. Жўнатиш учун тайёрланган пахта толаси.

Ш. СУЛТОНОВ олган суратлар.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

МИРОБЛАР ДАЪВАТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУЖАЛИГИ ТАШКИЛОТЛАРИ ЎТКАЗИЛГАН КЕНГАШ ТАРМОҚ ХОДИМЛАРИГА

МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ

Ҳурматли ҳамкасб дўстлар, мўътабар оталар, оналар, азиз ака-укалар ва опа-сингиллар!

Биз, асрлар давомида халқимиз томонидан эзъозлаб келинган касб эгалари — миробларга ҳозирги мураккаб ва оғир кунларни бошидан кечираётган жонажон республикамиз Ўзбекистоннинг мустақиллик босқичидаги биринчи қадамларини олқишлаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Мана шундай қийин кунларда республика миробларига кечани кеча, кундузни кундуз демай, бутун кучларини, ғайратларини ва касб маҳоратларини Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратаяптилар. Ҳозирги даврда кимки ўзини Ўзбекистон фарзанди деб ҳис этса, бу йўлда сидқидил хизмат қилишни ўзининг фарзандлик бурчи деб билиши керак деб ўйлаймиз ва диёримизда тинчлик, тотувлик, биродарлик, дўстлик, тўкинлик ва фаровон турмуш бўлишини истаган ҳар бир кишини шунга даъват этамиз. Ҳар хил қарама-қарши чиқишларни, ноўрин танқид қилишларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ҳар ким ўз жойида ҳалол меҳнат қилиб, халқимиз хонадонига қут-барака киритишга, дастурхонни тўлдиришга чақирамиз. Кимки Ўзбекистонни бошқа минтақалар билан солиштирса, қанчалик фарқ борлигини яққол кўриб турибди.

Ҳозир республикамиздаги тинчлик, осойишталик ва турли миллатлар орасидаги тотувликни барқарор ушлаб туриш йўлида Президентимиз Ислом Каримовнинг қилаётган хизматларини ҳар бир киши тушунишини ва билишини истаймиз. Республика миробларининг бир миллионга яқин онла аъзоларига мурожаат қилиб, 29 декабрда бўладиган Президентлик сайловида ўртоқ И. А. Каримов учун овоз беришларингизни сўраймиз. Ишончимиз комилки, у олиб бораётган сиёсат қадрдон республикамизни ҳозирги иқтисодий тангликдан олиб чиқишга қодирдир.

ЯКДИЛ ОВОЗ БЕРАМИЗ

Яқинда республика Президенти, Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг раиси, жумҳурият Президентлигига номзод Ислом Каримов Хоразмда бўллиб, ўз сайловчилари билан учрашди. Бўлиб ўтган ошкора мулоқот даврида бугунги куннинг муаммолари, уларни ҳал этиш тўғрисидаги таклифлар ўртага ташланди. Номзоднинг Хоразм областидаги ишончли вакили, меҳнат ва уруш фахрийси Р. Эшжонов йиғилганларни И. Каримовнинг таржимаи ҳоли, унинг сиёсий ва раҳбарлик фаолияти билан таништирди. Сўзга чиққанлардан Хонқа районидаги В. И. Ленин номли мактаб директори Шоназар Йўлдошев, вилоят бош имом хатиби Муҳаммад Саид ҳожи Аҳмаджон Раҳматулла ўғли ва ХДПнинг Урганч район комитети биринчи котиби Қадамбой Нурниёзовлар номзод ҳақида гапириб, унинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жуда мураккаб бир вазиятда оқилона йўл танлаб, жумҳуриятга халқпарварлик ҳис-туйғулари негизида раҳбарлик қилаётганига тўхталдилар. Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлига тинч қадам қўйиши бевосита ана шундай сиёсат мевасидир.

Чиндан ҳам Президентимизнинг доимий эътибори ва қўмаги туфайли оммани ижтимоий ҳимояланишга муҳтож қатлами — қариялар, ногиронлар, болалар ва хотин-қизлар бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида бир қатор имтиёзлардан фойдаланмоқдаларки, бусиз улар серташвиш ҳаётимизнинг машаққатлари гирдобида қолган бўлурдилар. Нотиқлар 29 декабрь куни И. Каримов номзодини ёқлаб, овоз беражакларини таъкидладилар ва бошқаларни ҳам шунга даъват этдилар.

Йиғинда бир қатор долзарб масалалар ҳам тилга олинди. Бу биринчи галда Оролбўйи табиий мувозанатини тиклаш билан боғлиқ муаммолардир. Ҳукуматининг ана шу масала юзасидан белгилаган тадбирлари суст амалга оширилаётганлиги ошкора тилга олинди. Ичимлик суви таъминотини яхшилаш биринчи галдаги вазифа эканлиги таъкидланди. Чунки мазкур муаммони ҳал этмай туриб, минтақа аҳолисининг соғлиги ва турпоқ унумдорлигини сақлаб қолишнинг иложи йўқ. Шу билан бирга ёш авлод тарбиясига ҳам тубдан, янгича ёндашиш, қадриятларимиз, миллий-маънавий бойликларимиз нуқтаи назаридан қараш лозимлиги айтилди. Сўзга чиққанлар вилоятдаги қадимий обидаларга ҳам эътибор қаратиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлигини таъкидлашди.

Номзод ҳам ўз нутқида юқоридаги масалалар ечимини топишда ҳукумат томонидан олиб борилаётган ишларга тўхталди. Экологик яроқсиз минтақада яшаётганлик учун қўшимча тўлов жорий этиш ҳақидаги масала яқин вақт ичида ҳал этилишини эшитганлар бу фикрни олқишлар билан қарши олдилар. Шундан кейин учрашув қатнашчиларининг барча хоразмлик сайловчиларга қарата мурожаатномаси қабул қилинди.

Искандар ХЎЖАЕВ,
Шовот район меҳнат ва уруш фахрийлари кенгаши раиси.

ЭНГ МУНОСИБ

Яқинда мактабимиз ўқитувчилари жамоаси ва ота-оналарнинг Республика Президентлигига номзод кўрсатишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Сўзга чиққан кишилар Президент фармонлари билан ўқувчиларга бепул нонушта берилаётганлиги, ўқитувчиларга иш ҳақи оширилганлиги, уларга давлат уйларини хусусий мулк қилиб берилаётганлигини таъкидлашди. Бу тадбирларнинг юзага келишида ва уларни амалга оширишда И. А. Каримовнинг алоҳида хизмати борлиги айтилди.

Шунингдек, улар мамлакатда тартибсизлик, бошбошдоқлик ва иқтисодий танг вазият юзага келган бир пайтда юртимизда ижтимоий барқарорлик мавжудлиги, эртанги кунга ишонч борлиги раҳбариятнинг ютуғи деб кўрсатишди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан президентликка Ислом Каримов энг муносиб номзод эканлигини таъкидлашди. Улар сайлов куни И. Каримов номзоди учун овоз беришга қарор қилдилар ва бошқаларни ҳам шунга чақирдилар.

Ш. ТЎРАЕВА,
Пахтакор районидаги 6-ўрта мактаб директори.

ҚУРУЛТОЙ БЎЛИБ ЎТДИ

«Эрк» демократик партияси Хоразм вилоят ташкилотининг биринчи таъсис қурултойи Урганч шаҳрида бўлиб ўтди. Унда ЭДП Хоразм вилоят ташкилий кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маъруза тингланди. Бу масала хусусида мувақкат ташкилий кенгаши раҳбари Р. Бобожонов ҳисоб берди.

Йиғинда ҳозир вилоятда ЭДП аъзолари 2 минг нафарни ташкил қилаётганлиги, аъзолар фаолиятининг қамрови кун сайин кенгаяётганлиги таъкидланди. Қурултойда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. «Эрк» демократик партияси вилоят ташкилоти бюроси ва кенгаши сайланди. Бир овоздан котибликка жумҳурият радиосининг Хоразм вилояти бўйича мухбири Р. Бобожонов лойиқ деб топилди.

Қурултой ишида «Эрк» демократик партиясининг раиси, Ўзбекистон жумҳурияти халқ депутати, республика Президентлигига номзод Муҳаммад Солиҳ иштирок этди ва сайловчилардан тушган саволларга жавоб қайтарди. Қурултой қатнашчилари хоразмликларга қарата мурожаатнома қабул қилдилар.

Ж. ЮСУПОВ.

ЖАМҒАРМА БАНКИ КАФОЛАТИ

Пул ўлсин! Яшасин пул! Зиддиятли ҳар икки иборада ҳам ўзига хос маъно ва мантиқ бор. Дейлик, маъмурчилик: магазинда моллар тирбанд, истеъмол бозори тўкин. Шундай шароитда туя бир пул, лекин... қани пул? Ҳа, сўмнинг, сўлкавойнинг қадри баланд маҳалларда «пул ўзини жудаям азиз қилиб юбордиёв», дегувчийди одамлар. Пул бўлса, чангалда шўрва эди. У бамисоли нишонга бехато тегадиган ўқ, сўзи ўткир даллол ҳам эди. Ҳозир-чи? Айтайлик, эндиликда туя минг пулу мана пул... Жарақ-жарақ эмиссия (пул ва қимматбаҳо қоғозлар)ни дастгоҳлар кечаю кундуз бетиним босиб чиқараяпти. Дастгоҳлар тезлашгани сари қаёққа қараманг—қимматчилик.

— Қаҳатчилик боиси кўпчиликка аён. Нақд пул ва фойдаланишдаги пуллар миқдори товар ресурсларига мос эмас. Мутаносиблик аллақачон издан чиққан. Масалан, мамлакатда 1989 йилдаёқ аҳолининг пул даромадлари унинг харажатларига нисбатан 154 миллион сўмга ошиб кетган ва муомалага режалаштирилганидан 68 миллион сўм зиёд пул чиқарилган бўлса, кейинги даврда ҳар иккала кўрсаткичнинг салмоғи миллиардлаб ҳисобланаяпти...

Тунов куни марказий нашрлардан бирида шундай ҳажвий расмга кўзим тушиб қолди: уй тўрида пул тўла қоплар турибди, эр эшикдан яна қопчиқни ортмоқлаб кириб келаяпти, хотини ҳайратда: «Нима, яна маош олдингизми?!» — дейди... Қайсидир жойларда маошни шундай мўмай олишаяпти. Жумҳуриятимизда, хусусан районимизда эса унчалик бўлмасада, ҳар қалай нолимагудай: бир қарашда рақамнинг ўзиёқ кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада маҳобатли — кишилар қўлида йиғилган ортиқча пул маблағларини жамғарма банкига жалб қилиш режаси бир минг икки юз саксон тўққиз ҳисса ошириб бажарилди, яъни жорий йилнинг ўтган даврида 1.150 минг ўрнига 14.900 минг сўмга яқин омонат қабул қилиб олдик. Омонат қолдиғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14.830 минг сўмга, омонат қўювчилар 6.263 кишига кўпайди.

Хўш, шунчалик бойиб кетдикми? Юқоридаги маблағлар аслида кўпми ёки оз? Қуйидаги қиёс бунга жавоб: вилоят бўйича ҳар бир омонатчига ҳисоблаганда ўртача 1465, бизда эса 994 сўмга тўғри келади. Башарти буни аҳоли жон бошига тақсимласак, янада камайиб кетади.

Тўғри, турли вилоят ва районларда аҳолининг иш ҳақи даражаси, пул даромади ва шунга кўра молларга талаби бир хил эмас. Устига устак, бу аниқ ҳисоблаб чиқилгани ҳам йўқ. Бугунги кунда аҳолининг камбағал қисмига оид ҳисоблар деярли тахминий. Ҳуллас, даромаду харажат, қоплаш пули ва товарлар таъминоти хусусида бир хил хулоса чиқариб бўлмайди. Қисқаси, вазият мураккаб ва зиддиятли. Пули барибир кўп. Масалан, жамғарма банкимиздаги мавжуд 28 минг 600 дан ортиқ шахсий ҳисобда 22 миллион юз минг сўмга яқин омонат қолдиғи сақланиб, унга шу йил 1 март ҳолатига кўра 9 миллион сўмдан зиёд компенсация тўлаш зарурлиги расмийлаштирилди.

Бироқ амалда буларнинг ҳаммаси фуқаронинг бир чўнтагига пул солиб, иккинчисидан қайтариб олаяпти-ку? — деган саволни туғдирмайдими? Лоақал, тижорат дўконларини олинг. Уларни бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг илк аломати ҳам дейлик. Улардаги тақчил моллар савдоси гарчи ихтиёрий бўлса-да, аммо нархи осмонда. Аҳолининг (аниқроғи бир қисмининг) харид қобилиятига кўра у нафақат ойма-ой — ҳафта, кун ва соат сайин ўзгариб бораётганига қарамай, моллар юқори нархда ҳамда қисқа муддатда сотилиб кетаяпти. Ниҳоямизда унинг ўн ойдагиси 13 миллион 137 минг сўмга етди. Ўртадаги тафовут туфайли ҳосил бўлган фойданинг 95 фоизи жумҳурият бюджетига ўтди. Беш фоизи савдо ташкилотларимизнинг ихтиёрида харажатлар учун қолди, холос. Мулоҳаза учун «бошқа чўнтак» билан боғлиқ яна бир мисол. У ҳам бўлса, ноҳиямизга йил бошида ажратилган ўндан ортиқ «Запорожец», «Москвич» маркали енгил автомобиллар, совутгич ва тикув машиналарини сотиш масаласидир. Улар гўштга айирбошлаш учун мўлжалланган. Лекин гап фақат бунда ҳам эмас. Шундай бир оддий ҳисоб: «Москвич» машинасини 8 тонна гўштга айирбошлаш кўзда тутилган. Маълумки, тирик вазнда унинг ҳар бир килоси бозорда ўн сўмга, жами 80 минг сўмга тўғри келади: давлат эса ўша гўштни 4 сўм 90 тийиндан, жами 38 минг сўмга чаққан — шунинг ўзиданоқ фуқаро 42 минг сўм зарар кўради. Бунга кимнинг тоб-тоқати бор, дейсиз.

Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг: тижорат савдоси оборотидан тушиб, жумҳурият бюджетига ўтган бояги 95 фоиз — бу 7 миллион 46 минг сўмдир. Энди жумҳурият хазинасидан ноҳиямиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари учун ажратилган нақд маблағ шу даврда 18 миллион 149,3 минг сўмни ташкил этмоқда. Уни ноҳия маҳаллий бюджетидан маблағ билан таъминланувчилар олишаяпти. Республикамиз Президентининг фармонига биноан унга яна ноҳия шахсий томорқа эгалари уюшмаси ҳисобига ўтказиб берилган 8 миллион сўмни ҳамда янги йилдан эътиборан номоддий ишлаб чиқариш соҳалари ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 40—50 фоиз, талабаларнинг стипендиялари ўттиз фоиз оширилиши, иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг кам миқдори 200 сўм ҳажмида белгиланиши ва бошқа имтиёзлар натижасида кўпайдиган пулни ҳам қўшинг. Кўринадики, чўнтагимизга тушадигани талайгина. Бу яхши, албатта.

Иқтисодиёт муаммолари

Таркиб топган хўжалик алоқалари изига тушганича йўқ, нарх-наво қимматлашмоқда. Тақчил молларгина эмас, кундалик истеъмол моллари ҳам камчил. Сўмнинг ҳоли хароб. Эътироф этиш керак, уни ўнглаш учун ҳамма ҳаракатда. Америкалик иқтисодчи, Нобель мукофотининг соҳиби В. Леонтьевнинг ишонтириб айтишича, ўтган йили совет сўмини барқарорлаштириш бўйича энг яхши таклифлар учун дунё миқёсида катта соврин эълон қилинган эди. Бироқ ҳамон муаммоларнинг ечими йўқ. Лекин ҳар қалай умид уйғотувчи саъй-ҳаракатлар бўлаяпти.

Иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартномада нархнавонинг ўсишини тўхатиш, сўмнинг қадрини мустаҳкамлаш учун самарали пул ва кредит сиёсатини ўтказиш хусусида келишиб олинди. Айниқса, ўз ички бозоримизни ҳимоя қилиш — энг муҳим турдаги маҳсулотларни четга олиб кетиш меъёрини белгилаб қўйиш кўзда тутилгани айни муддао.

Вилоят ва ноҳиямизда ҳам муаммонинг кескинлигини юмшатиш имконияти мавжуд. Ижтимоий мутаносибликни бутун чоралар билан таъминлашга қаратилган интилиш бор. Жумладан, ўтган йили ноҳиямиз маҳаллий бюджети даромадлар бўйича 28,8 миллион сўмни ёки 112,9 фоизни ташкил этган эди. Бу йилгиси ортса ортадики, кам бўлмайди. Аслида бу ҳам бирдан-бир мақсад эмас. Муддао маҳаллий бозорни товарларга тўлдиришдан иборат. Фармойиш берувчи, ижрочи ягона ҳокимият органлари вужудга келаётган ҳозирги шароитда қўйи бўғинларга берилаётган тўла мустақиллик уларни истеъмол бозори билан аҳоли пул даромадлари ўртасидаги мутаносибликни излашга мажбур этиши керак. Қабул қилинажак аҳоли пул даромадларини индексациялашга доир Ўзбекистон Республикаси Қонуни мукаммал бўлиши, айниқса, муҳимдир.

Жумҳуриятимиз Олий Кенгашининг VIII сессиясида уқтириб ўтилганидек, «нарх-наво можароси»да ҳеч ким ғолиб чиқмайди. Бу гап юқорида тилга олганимиз — камёб молларни гўштга айирбошлаш масаласига ҳам тааллуқлидир. Бу борада Олий Кенгаш раиси Ш. М. Йўлдошевнинг яқин орада «бир неча ўнлаб турдаги озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларининг қатъий нархларини белгилаб қўйсак керак», деган сўзлари эртанги кунга яна бир бор умид уйғотади.

Банк системасини мукаммаллаштириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш юзасидан беш, ўн йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилаётган аниқ дастурлар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Ўз фаолиятимиз йўналишларида иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларга ҳозиржавобликни таъминлашга интиляпмиз. Режа-иқтисод ишлари нормативларини аниқ бажариш, ҳар бир ходимнинг билимини узлуксиз бойитиб бориш мақсадида «Бозор иқтисодиёти шароитида жамғарма банки муассасаларининг асосий вазифалари» курси бўйича ўқув ташкил этдик. Бўлимимиз вилоят шаҳарларидан кейин биринчи бўлиб компьютерлашган системада иш олиб бормоқда. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги ошди, иш тезлашиб, унинг сифати яхшиланди.

Ходимларнинг касб маҳорати ошгани ҳар соҳада қўл келаяпти. Чунончи, 1982 йилда чиқарилган 9 фоизли давлат ички ютуқли заёми ҳозиргача мўлжалдагидан 13 фоиз зиёд —1.627 минг сўмлик сотилган бўлса, омонатчилар ҳисобига нақд пулсиз маблағ ўтказиш режаси 4.630 минг сўм ёки 128 фоизга бажарилди. Сертификатлар, хазина мажбуриятлари сотиш бўйича белгиланган маррадан анча ўзиб кетдик. Ўтган ойларда аҳолига 1.658 минг сўм узоқ муддатли ссуда бердик. Қарзларнинг банкка қайтарилиши, тўлов интизоми ва бошқа кўрсаткичлар яхшиланганлиги ҳам мақсадга мос тушмоқда. Булардан барча баравар манфаатдор. Қўшимча олаётган фойдамиз кўпайиши туфайли ҳар бир хизматчининг ўртача ойлик иш ҳақи 266 сўмдан 568 сўмга кўтарилди. Ходимларнинг бепул тушлик овқати учун 40 сўмдан пул ажратиб бериш имкони туғилди. Мижозларга тез, сидқидилдан хизмат кўрсатаётган Раъногон Қодирова, Насибахон Мирзаахмедова, Маҳмудахон Қаюмова, Лазокатхон Худойбердиева, Мариямхон Халилова каби ходимларимиз ишидан мамнун бўлаётганлар кўп.

Афсусланиб бўлса-да, яна бир нарсани айтиб ўтиш керак. Одамлар орасида мишмишлар тарқаб, уларнинг бир қисми 1982 йилги ички ютуқли заёмларни қайтариб топширдилар. Бундан озмунча зарар кўрмадик. 1 мартдан сўнг мазкур ички ютуқли заёмлар қиймати 40 фоиз ошди. Ана шу қирқ фоиз юзлаб кишиларимизга насиб этмади. Мишмишларга лаққа тушганлар кўрган жами зарар вилоятимиз бўйича 27 миллион сўмни ташкил этди. Эссиз...

Кўринадики, омонатингизни жамғарма банкида сақласангиз, «аттанг», деб қолмайсизгина эмас, балки фойда кўрасиз. Пул «туғади», ахир! Бойлик бекор тургандамас, ишлаганда наф келтиради. Иқтисодчилар таъбирича, капиталнинг обороти бор. Иқтисодиётимизнинг пири муршидлар таълим берганидек, яъни пул ҳам, товар ҳам ўз-ўзидан кўпаймайди., Уни иш билармонлар кўпайтиради.

Жумҳуриятимизнинг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги Қонуни — омонатга хиёнат қилмаслик гарови. Унинг 46-моддаси 2-бандида аниқ ёзиб қўйилганидек, жамғарма банкида аҳоли омонатлари сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини Ўзбекистон республикаси кафолатлайди. Бундан ноҳиямиздаги 35 мингдан ортиқ омонатчинигина эмас, барчанинг кўнгли тўқ бўлаверсин. Бинобарин, ортиқча пулингизни жамғарма банкига ишониб топширганингиз маъқул. Омонатингиз кўпая бориб, сақланишига биз кафил.

Ҳ. ҲАМРОЕВА,
Ўзбекистон республикаси Жамғарма банки Ўзбекистон районн бўлими бошқарувчиси.

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

МОСКВА. Бугун Россия Президенти Борис Ельцинга вазни 241,8 қирот келадиган ноёб ёқут олмоси топширилди. «Озод Россия» номини олган бу қиймматбаҳо тош РСФСР давлат жамғармасига доимий сақлаш учун берилади. Маросимда сўзга чиққан Еқутистон—Сахюор Олий Кенгашининг раиси Михаил Николаев Еқутистон эндиликда ўз олтинлари ва олмосларини Россия хазинасига етказиб беришини айтди.

●

ТБИЛИСИ. Бугун республика пойтахтида Грузия вино биржаси рўйхатга олинди. Бу собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги биринчи ва жаҳондаги иккинчи ихтисослашган биржадир. Биржанинг устав жамғармаси 7 миллион сўм, лекин биржа Президенти Георгий Маисашвилининг сўзларига қараганда, Грузин виночилари вақти келиб миллиард сўмлик Маркетинга ҳамда халқаро бозорга чиқиш учун зарур бўлган рекламаларга эга бўлишлари мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ биржага Молдово винолари, Озарбайжон коньяги-ни, қрим шампань виносини сотиш тўғрисида аризалар тушди. АҚШдаги бир қанча фирмалардан алоқа қилиш тўғрисида таклифномалар олинди. Келаси йилнинг 14 январида Грузия вино биржасида дастлабки савдони ўтказиш режалаштирилмоқда.

ТАЛЛИН. Кейинги вақтда Таллинда бензин етишмаяпти. Натижада биринчи тоифадаги энг зарур машиналарни, яъни «тез ёрдам», милиция машиналаридан фойдаланиш имкони бўлмаяпти. «Эстл котус» бирлашмасининг бош директори Олег Панфилов ЭТА ахборот бошқармаси мухбирига Эстония учун мўлжалланган турли хилдаги 10минг тонна бензин Псковга келганини, лекин бу юкларнинг ҳаммасини чегарадан ўтказиш мумкин эмаслигини, Анатолий Собчакнинг фармойишига кўра, нефть маҳсулотларини чегарадан ўтказиш тақиқланганлигини маълум қилди.

●

СИКТИВКАР. Бугун Коми ССРнинг энг оммавий ижтимоий-сиёсий рўзномаси — «Қизил байроқ» рўзномаси чиқмади. «Коми»полиграф бирлашмаси»нинг бош корхонаси Коми ССР давлат нашриёт комитетининг қўллаб-қувватлаши билан республика рўзномалари чиқарилишини тўхтатиб қўйди, таҳририятлардан улар билан 1991 йилга тузилган шартномада кўзда тутилганига нисбатан кўп хизмат ҳақи тўлашни талаб қилди. «Қизил байроқ» рўзномаси муассислари кенгаши ана шу молиявий даъволарни асоссиз деб топди. Энди у ўзини ҳимоя қилиш мақсадида қонун йўли билан курашиш ниятидадир.

Киров районидаги «Бешариқ» давлат хўжалигида ғишт ҳамда шлак-блок ишлаб чиқаришга ихтисослашган иккита завод ишлаб турибди. Совхоз ҳудудида фаолият кўрсатаётган қурилиш ташкилотларини, шунингдек якка тартибда уй-жой қураётган аҳолининг бинокрлик материалларига бўлган талаб-эҳтиёжини шу корхоналар тўла қондириб келаяпти. 1992 йилдан бошлаб улар Тюмень вилояти билан бартер усулида маҳсулот айирбошлашни йўлга қўядилар. Келишувга биноан тюменликлар ғишт ва шлак-блок олиб, ўрнига бешариқликларга тахта-ёғоч юборишади.

СУРАТДА: ишбоши Абдулла Фозилов (чапда), ишчи Ҳайрулла Ҳасанов.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

Сарҳисоб

ТЎКИНЛИК ДАРОМАДГА БОҒЛИҚ

Пахтакорлик — биз учун қадимий, шарафли касб. Деҳқон ана шу касб орқасидан рўзғорини тебратаяпти. Оқ олтиннинг ҳар мисқолида унинг юрак қўри, орзу ва армони мужассам. Хўжалигимизда 1600 гектар майдонга чигит экилади. Шунинг минг гектардан ошиқроғи ингичка толали пахтадир. 1991 йилни муваффақиятли якунлаяпмиз. Ҳар гектар ҳисобига 25 центнердан, жами 5 минг тонна хом ашё етиштирилди. Бу ўтган йилдагидан қарийб 800 тонна кўпдир.

Ҳосил тамал тошини қўйишда уруғчиликнинг аҳамияти катта. Биз буни ўз тажрибамиз мисолида синаб келяапмиз. СоюзНИХИнинг районимиздаги филиали олимлари уч-тўрт йил бурун «Молатон-9071» ва «Термиз-16» навларини экишни тавсия қилишганди. Натижа ёмон эмас. Ҳар гектар майдондан 26—28 центнердан ҳосил етиштирилмоқда. Бу навлар толасининг пишиқлиги, саноатбоплиги ва бошқа афзалликлари билан ажралиб туради. Уларнинг ҳар тоннаси пул ҳисобида 12—15 минг сўмга тенг. Йиллар синовидан ўтган «Ф—108» навидан ҳам воз кечганимиз йўқ. Бу навли чигит экилган майдонларнинг ҳар гектаридан қарийб 30 центнердан оқ олтин етиштирилди.

Ўтган йили ҳосилнинг 80 фоизи машиналар ёрдамида саранжомланган бўлса, жорий йилда 85 фоизи, яъни 4200 тоннаси пўлат этакларда терилди. Ҳар бир машинанинг ўртача иш унуми 130 тоннага етди. Жўрахон Ҳамидов, Қодир Намозов, Ашир Амирқулов, Сайим Хидиров, Хайрулла Оролов, Абдураҳим Исмоилов каби механик-ҳайдовчиларимиз зангори кемалар бункеридан 150—200 тоннадан дурдона теріб, ўзаро беллашувда илғорлик қилдилар. Пахта харид нархининг оширилганлиги айни муддао бўлди. Меҳнат жамоасининг қарори билан механизаторларга терилган ҳар тонна учун 40 сўмдан, мавсум ўрталарида эса 50 сўмдан иш ҳақи тўланди. Мусобақа ҳар беш кунда якунланиб, ғолиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди.

Хўжалигимизда 6 та агроучастка мавжуд. Улар бир нечта бригадани ўз ичига олган. Абдухалил Нормуродов, Саттор Авазов бошлиқ участкаларда 660—1340 тоннадан пахта ҳосили етиштирилди. Бу кўзда тутилганидан анча кўп. Кези келганда мавсумда юқори натижаларга эришган айрим бригадалар, ижарачи жамоалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Ирмоқлар қўшилиб дарё бўлганидек, уларнинг пешона тери эвазига катта хирмон яратилди. Бўта Абдурасулов, Бахтиёр Хушназаров, Қурбон Чориев, Абди Қурбонов, Саид Нормуродов, Ботир Ҳамидов бош бўлган жамоаларда 35—40 центнердан ҳосил етиштирилди. Бундай илғорларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида ҳикоя қилгинг келади.

Пахта далаларини, меҳнат қучоғини қўли қадоқ, қалби сахий опа-сингилларимизсиз тасаввур этиш қийин. Улар ёз жазирамасини писанд қилмай ҳалол тер тукадиганлар, митти чигитдан оппоқ дур ундирадиганлар. Аёлларимизнинг ишлаши ва яшаши учун қулай шароит яратиш диққат марказида. Ғамхўрликни ошириш йўғим-терим даврида ўз самарасини берди. Норхолой Мусурмонова, Малоҳатхон Аҳмедова, Холнисо Жуманазарова, Норой Ёдгорова, Фазилат Эломонова, Кичикой Ҳазратқулова ва бошқалар 6—7 тоннадан хирмон уйиб, касбга садоқат намунасини кўрсатдилар.

Юқори ҳосил — даромад манбаи. Утган йили тармоқдан 2 миллион сўм соф фойда олгандик. Сармоянинг катта қисми меҳнат аҳлининг турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодини мустаҳкамлаш учун сарфланаяпти. Фақат шугина эмас. Қишлоқларни бош режа асосида қуриш, маданий-маиший хизмат тармоқларини кенгайтириш, халқ маорифининг моддий базасини мустаҳкамлаш борасида хайрли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Давлат хўжалиги ҳудудидаги баъзи қишлоқ йўллари асфальт қилинди, хонадонлар газлаштирилди. Бу борадаги иш давом эттирилмоқда. Шакаржўй қишлоғида 624 ўринли янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қорақўғирот ва Эсабой қишлоқларида ҳам янги билим ўчоқлари барпо этиш мўлжалланган. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр. Қурилиш ишлари ҳадемай бошлаб юборилади. Хўжалик маркази — «Зумрад» посёлкасида барпо этилган 12 та замонавий уйда одамлар истиқомат қилишмоқда. Шакаржўй қишлоғида қурилаётган бешта турар жойдан учтаси фойдаланишга топширилди. Қўғирот, Чилимбоши, Терсовул, Нимқўрғон, Шакаржўй қишлоқларида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Болалар боғчаси, магазин, нонвойхона, қишки ва ёзги клублар, ўрта мактаб, ошхона ва томошагоҳ, қишлоқ врачлик амбулаторияси аҳоли хизматида.

Бозор иқтисоди шароитида ишлаш ва яшаш осон кўчмаяпти. Тақчиллик кучайиб, нарх-наво кун сайин кўтарилмоқда. Бундай вазиятда инсон омилига эътибор биринчи даражали вазифа саналмоғи лозим. Зеро, ҳар бир хўжалик ёки корхонанинг оғирини енгил қиладиган, тараққиётини таъминлайдиган куч-одамлардир. Уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш борасида муайян ишларни амалга ошираяпмиз. Республика Президенти фармонига биноан шу йилнинг ўзида муҳтож оилаларга 26 бош бузоқ ва 40 бош қўй сотилди. Хўжалик марказида қурилган янги уйлардан 5 таси Улуғ Ватан ва афғон уруши қатнашчиларига бепул инъом этилди. Бу ўринда механизатор Эргаш Омонов, Шоди Нормуродов, энтимолог агроном Баҳодир Маҳмудовларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Меҳнат фахрийлари ва уруш қатнашчиларидан 96 кишига хўжалик ҳисобидан 20 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Шахсий хўжаликларга тарқатилган ғалла, ем-хашак ҳақида алоҳида тўхталиш мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигини ҳисобга олиб, жорий йилда қўшимча 150 гектар ерга кузги дон экдик. Бу ишни пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига амалга ошираяпмиз. Давр шуни тақозо этаяпти. Натижа чакки эмас. Ҳар гектар майдондан 32 центнердан, жами 858 тонна ғалла ҳосили олинди. Бу режадагидан анча зиёд. Дарвоқе, шахсий тармоқларга ҳам дон экишни йўлга қўяяпмиз. Одамлар бу ҳар жиҳатдан фойдали эканини тушуниб қолишди.

Чорвачилик хўжалик ишлаб чиқаришида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Айни кунда 800 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Шунинг 240 боши соғин сигирлардир. Давлатга 100 тонна гўшт сотиб, бу борадаги йиллик режани муддатидан олдин бажардик. Ҳозиргача 420 тонна сут тайёрланди. Яна 30 тонна маҳсулот сотсак, кифоя. Ваъдага вафо қилиш учун барча имконият бор. Сигирларимизнинг кўпи Болтиқбўйи республикаларидан келтирилган. Иқлимга мослаштириш учун уларни жайдари моллар билан чатиштираяпмиз. Шу тариқа наслли зотлар олинмоқда. Яшаришнинг ҳожати йўқ, чиқимлар ҳам бўлиб турибди. Тармоқни ривожлантириш қийин кўчаётир. Аммо биз қўл қовуштириб турганимиз йўқ. 850 гектар майдонга экилган беда, макка, силосбоп жўхори ва бошқа озуқабоп экинлардан баракали ҳосил етиштирилди. Чорва қишлови учун 1000 тонна силос, 1600 тонна сенаж бостирдик. 1000 тоннага яқин дағал хашак, 200 тонна беда пичани ҳозирланди. 600 бошга мўлжалланган молхона сифатли таъмирланди.

Республика Президентининг фармонига асосан давлат ва жамоа хўжаликларида етиштирилган ҳосилнинг беш фоизи ва режадан ортиқчаси меҳнат жамоаси ихтиёрида қолдириладиган бўлди. Бу иқтисодиётни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Фаровонлик меҳнатдан келадиган даромадга боғлиқлигига ҳар бир жабҳада ишонч ҳосил қилаяпмиз.

Б. ГУЛМУРОДОВ,
Ульянов районидаги 15-давлат хўжалиги директори.

«Сурхон» ишлаб чиқариш комбинати жамоаси ҳар йили 78 кубметр темир бетон буюмлар тайёрлаб чиқармоқда. Корхона маҳсулотларига, яъни блоклар, плиталар, лотоклар, қувурларга жумҳурнятнинг барча вилоятларидан буюртмалар тушади. Ҳайдовчи Эдуард Ким 20 йилдирки, ана шу корхонада ҳалол меҳнат қилиб келяпти.

СУРАТДА: моҳир ҳайдовчи Э. КИМ.

В. МИЛЁНЬКИЙ олган сурат. (ЎзТАГ).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ихтирочилари чиқиндилардан кир ювиш воситаларини ишлаб чиқариш линиясини яратишди. Улар ишлаб топган маблағлар ҳисобидан истиқболли ечимларни пул билан таъминлаш жамғармаси тузилди. «Азот» бирлашмаси ижодий ташкилотлари ҳисобига бир неча ўн минг сўм соф фойда тушди.

● Давлат назорати органлари республика Автомобиль транспорти вазирлиги корхоналарини текширдилар. Маълум бўлишича, бензинда ишлайдиган ҳар беш автомобилнинг биттаси ва ҳар икки дизель машинанинг биттаси зарарли моддаларни йўл қўйилганига нисбатан кўпроқ чиқарар экан. Бир йил ичида ҳавога тахминан 355 минг тонна зарарли модда чиқарилган. Ўзбекистон давлат нефть маҳсулотлари комитетининг автомобилларни ёқилғи билан таъминлаш станциялари текширишдан ўтказилгач, зарарли чиқиндилар чиқишининг асосий сабаби аниқланди — бензоколонкалар «эгаларининг» айби билан ёқилғи сифати пасайиб кетаётган экан.

● Германиянинг «Бабкок» фирмаси, Олмалиқ ва Самарқанд шаҳарларидаги кимё заводлари саноатда фосфогипсни қайта ишлаш муаммоларини биргаликда ҳал қилишга келишиб олдилар. Германия фирмаси маҳаллий хом ашё учун технология ишлаб чиққанидан сўнг, Ўзбекистонга гипс маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ускуна етказиб беради. Республикамиздаги бир қанча илмгоҳлар ва ташкилотлар янги корхоналарни лойиҳалаш, қуриш, уларга ускуналар ўрнатиб созлашда қатнашадилар.

● Вилоят марказида «Андижон» товар-хом ашё биржаси очилди. Вилоятдаги ўттиздан ортиқ саноат корхонаси унинг муассисларидир. Дастлабки савдодан маълум бўлишича, корхоналарнинг омборларида кўплаб қимматбаҳо ускуналар ва материаллар тўпланиб қолган. Талайгина меҳнат жамоалари ана шу нарсаларга жуда зор бўлиб турибди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ўтмас матоҳлар қаторига кирадиган 30 миллион сўмлик маҳсулот омборларда тўпланиб қолган.

(ЎзТАГ).

Долзарб мавзуда суҳбат

РЕСПУБЛИКАДА КУПОН ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистонда купон жорий этилиши ҳақида оммавий ахборот воситалари хабар қилган эди. Бу тадбир иқтисодий жиҳатдан республикага нималар беради? Истеъмол бозорини тўлдиришга ёрдамлашадими? ЎзТАГ мухбири ана шундай саволлар билан Ўзбекистон Республикаси иқтисод комитети раисининг ўринбосари, иқтисод фанлари доктори П. Носировга мурожаат қилди.

— Пўлат Хайруллаевич, купонни жорий этиш зарурининг сабаби нимада?

— Таассуфки, собиқ СССР иқтисодий маконида кўпгина келишилган қарорларга эришиб бўлмаяпти. Шундай масалалар орасида пул муомаласини тартибга солиш масаласи ҳам бор. Собиқ иттифоқдан мерос қолган бюджет камомади қоғоз пул кўплаб босиб чиқарилишига олиб келди.

Ўзбекистон ҳукуматининг саъй-ҳаракатлари натижасида сўнгги вақтгача истеъмол бозори мутаносиблигини таъминлашга муваффақ бўлинди. Бироқ Россия ҳукуматининг нарх-навога эркин тус бериш, иш ҳақини кескин ошириш, аҳолига бошқа ижтимоий имтиёзларни кенгайтириш тўғрисидаги қарорлари бюджет имкониятлари чекланган республикамизни қийин ва ноқулай аҳволга солиб қўяди. Россия ва бошқа қўшни мустақил давлатлар ҳудудидан маҳсулотлар билан таъминланмаган пул сўзсиз равишда Ўзбекистонга кела бошлайди, бу эса шусиз ҳам оғир аҳволни чигаллаштиради. Болтиқбўйи республикалари Беларусь, Украина ва Ўзбекистон истеъмол бозорларида амалга оширган «валюта истилоси» деб аталган ҳуруж буни тасдиқлаб турибди.

Ана шундай вазиятда Ўзбекистон ҳукумати купонларни жорий этиш йўли билан республика истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида қарор қабул қилишни лозим топди. Дастлабки босқичда купонлар харид қилиш учун ўзига хос ҳуқуқ берувчи қимматбаҳо қоғоз сифатида амал қилади. Республика фуқаролари молларни харид қилиш чоғида амалдаги пул билан бир вақтда купонларни ҳам тўлайдилар. Кейинчалик иқтисодий вазият, шу жумладан истеъмол бозоридаги вазият бунга қандайдир ўзгартишлар киритиши мумкин. Ҳукуматда вазиятни ўрганиб, ундаги ўзгаришларга нисбатан дарҳол тегишли чораларни кўрадиган гуруҳ тузилди.

— Бошқа республикалар, шу жумладан Украина купонларни жорий этиш чоғида йўл қўйган хатолар ҳисобга олиндими?

— Украинанинг тажрибаси муфассал ўрганилди. Барча ижобий ва салбий жиҳатлари аниқланди. Шуни очиқ айтиш керакки, купонларни жорий этиш самараси муваққат тусда бўлади. Шу сабабли улар амал қиладиган вақт чеклаб қўйилади.

— Купонларни жорий этиш чайқовчиликка қарши курашда ёрдам берадими?

— Купонларнинг асосий вазифаси — ички бозорни республикага четдан келадиган харидорлардан ҳимоя қилишдир. Биз меҳмонлар келишидан ҳамиша хурсандмиз. Бироқ моллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамма жойда тақчил бўлиб турган ҳозирги қийин даврда республикага келган ҳар бир меҳмон ўзимизга ҳам етмаётган маҳсулотларни четга олиб кетадиган бўлса бу ҳол республикамиз аҳолиси учун оғир юк бўлиб тушади. Республикамизга молларни харид қилиш мақсадида келувчилар анча кўпаяди, деб хавфсираш учун ҳамма асослар бор.

Чайқовчиликка келганда эса, ана шундай хавф мавжуд. Лекин бу соҳада ҳам биз маълум чораларни кўзда тутдик. Украинадан фарқли равишда бизда купонлар битта босмахонада ва бир хил қоғозга босилади. Табиийки, купонларнинг четга тарқалиб кетишидан сақлаш чоралари ҳам кўрилмоқда. Бироқ турли сабабларга кўра купонлар билан чайқовчилик қилишни бутунлай тугатиб бўлмайди. Шу сабабли купонларни жорий этиш — муваққат чорадир.

— Даромадлари турлича одамлар купонлар билан қандай таъминланади?

— Уларнинг купонлар билан таъминланадиган улушини белгилаш чоғида аҳоли даромадларининг турлари ва миқдори, албатта, ҳисобга олинади. Ижтимоий адолат қоидаси биринчи ўринга қўйилади. Чунончи, пенсионерлар, талабалар, нафақа олувчи фуқаролар, шу жумладан болалар учун нафақа олувчиларнинг даромадларида купонлар улуши кўпроқ бўлади. Фуқаролар ўзларининг даромадларидан қатъий назар ҳар ойда оладиган купонларининг кафолатли миқдори, албатта, белгилаб қўйилади.

— Купон бериш чоғида аҳолининг қандайдир гуруҳлари камситилмайдими?

— Республиканинг барча аҳолисини купон билан таъминлаш учун ҳамма чоралар кўрилмоқда. Республикада яшаб, шу ерда даромад оладиган ҳамма одамлар, шу жумладан вақтинча ишсиз, деб рўйхатга олинган кишилар ҳам купон оладилар. Бундан ташқари вахта усулида республикадан ташқарида ишлайдиганларга ҳам купонлар берилади.

— Купонларни қачон жорий этиш кўзда тутилмоқда?

— Купонлардан фойдаланиб молларни сотиш 1992 йил январидан жорий этиш кўзда тутилмоқда. Купонларни бериш эса олдинроқ ташкил қилинади.

— Купонга қандай молларни сотиб олиш мумкин?

— Бу масала ҳозирча ишлаб чиқилмоқда. Купонга сотиладиган моллар ҳозир аҳоли талон билан олаётган маҳсулотлар эмас, деб аниқ айтиш мумкин. Ун, ёрма, ёғ, чой, шакар бундан буён ҳам маълум миқдорда берилади ва купонсиз сотилади. Купон бўлмаса ҳам умумий овқатланиш корхоналарида овқатланиш, бошқа пулли хизматлардан фойдаланиш мумкин. Бир қанча турдаги қимматбаҳо моллар фақат республика фуқароларига купонсиз, лекин ҳисоб чеклари билан сотилади. Автомобиллар, мебель гарнитурлари, холодильниклар, телевизорлар, кондиционерлар, видеомагнитофонлар, кир ювиш ва тикиш машиналари ва бошқалар ана шундай моллар қаторига киради.

— Маошига нисбатан олганда қанча миқдорда купон берилади?

— Даромадларнинг хилма-хил турларига турли миқдорда купон берилади. Купонлардан фойдаланиб сотиладиган товар ресурслари ҳажми ва ижтимоий адолат қоидаси асосий мезон бўлади. Аҳолининг энг қашшоқ табақалари камситилмаслиги учун шу қоида ҳисобга олинади. Бунинг аниқ вариантлари ҳозир ишлаб чиқилмоқда ва тез орада аҳолига маълум қилинади.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Чет элларда

МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

ВАШИНГТОН. (**ТАСС мухбири Игорь Барсуков**). Бу ерда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш юзасидан Араб-Исроил музокаралари бошланди. Бу минтақадаги муаммоларни тинч бартараф этиш жараёнининг иккинчи босқичи бўлиб, унга октябрь ойининг охири, ноябрь ойининг бошларида АҚШ ва СССР ҳамраислигида Мадридда ўтган конференцияда асос солинганди. Лекин Испания пойтахтида томонлар фақат дастлабки қадамни ташладилар, бўлажак тинч жараёнга нисбатан ўз йўллари ва қарашларини баён этишди. Араблар билан исроилликлар ўртасида кўп йил давом этиб келган можарони тўхтатишга доир энг қийин ишлар Вашингтонда эндигина бошланди.

Исроил ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Бенжамин Нетаньяху биринчи кун якунларини чиқарар экан, журналистлар билан учрашувда бундай музокаралар бошланганидан мамнун эканлигини айтди. «Қарийб ярим аср давом этиб келаётган можарони икки соатлик музокарада бартараф этиб бўлмайди», деди у.

Жанубий Кореядан ядро қуроллари олиб кетилди

ТОКИО. (ТАСС мухбири Владимир Солнцев). Қўшма Штатлар Корейс ярим оролининг жанубидан ўз ядро қуролларини тўла олиб чиқиб кетди. Бу ҳақда РЕНХАП ахборот бошқармаси Жанубий Корея ҳукуматининг ўз номини айтмаган юқори лавозимли вакилининг гапларига таяниб, бугун хабар қилди. Шу вакилнинг гапларига қараганда, Кореянинг жанубидаги ва шимолидаги ўзаро ядро инспекциялари ўтказадиган иншоотлар рўйхатига Американинг Кунсан авиабазасини киритиш тўғрисида Сеул киритган таклиф ушбу базада АҚШ ядро қуроли энди йўқлигидан далолат беради.

Америка ҳарбий экспертларининг далолат беришича, яқин вақтларгача Жанубий Кореяда ҳаммаси бўлиб юзта ядро қуроли бор эди. Бу қуроллар — авиабомбалар ва артиллерия снарядлари Кунсан базасида жойлаштирилган эди.

Шарҳловчилар Жанубий Корея вакилининг бугун айтган гапларини Сеулнинг Шимолий Корея атом энергетикаси халқаро агентлиги (МАГАТЭ) билан КХДРдаги ядро иншоотларини текширишни кўзда тутадиган битимни тезроқ имзолашга интилишини акс эттиради, деб баҳоламоқдалар. Тахмин қилишларича, Пхенянь ўзининг ядро қуролини яратишга яқинлашиб қолди, сўнгги вақтда у Қўшма Штатлар Жанубий Кореядан ўз ядро қуролларини ҳақиқатан ҳам олиб чиқиб кетаётганига ишонч ҳосил қилган тақдирдагина шундай битимни имзолашини бир неча бор айтди.

Корея Республикаси Бош вазири Тен Вон Сак Сеулда КХДР маъмурий кенгашининг раиси Ен Хен Мук билан учрашувда Жанубий Корея келгуси йилнинг 31 январигача Шимолий Кореянинг текшириш ўтказишига рухсат беришга тайёр бўлади, деган. «Биз жанубдаги Америка ҳарбий базаларини текшириш ўтказиладиган иншоотлар рўйхатига киритишга тайёрмиз, чунки у ерда ядро қуроли жойлаштирилмаганлигига сизлар ишонч ҳосил қилишингиз лозим», — деди у. Жанубий Корея ҳукуматининг бошлиғи айтдики, Шимолий Корея томони текшириш учун «ҳар қандай ҳарбий ва фуқаро иншоотларини» танлаб олиши мумкин.

Агар шимолий Корея ҳақиқатан ҳам Кунсан авиабазасини текширадиган бўлса, деб ёзади РЕНХАП ахборот бошқармаси, бу Американинг хорижий ҳарбий иншоотларидаги биринчи шундай текшириш бўлади.

МУСУЛМОНЛАР ИНОҚЛИГИ ЙЎЛИДА

ДАКАР. (ТАСС). Форс кўрфазидагига ўхшаш можароларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун мусулмонлар бирлигини тиклаш зарур, деди Синегал Президенти Абду Диуф. Ислом анжумани ташкилотига аъзо бўлган давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларининг Синегал пойтахтида бўлаётган VI анжуманида сўзга чиқиб, у Ироқнинг Қувайтга бостириб кириши «фожиали можаро» бўлганини айтди.

Анжуман қатнашчилари ўз нутқларида ва қабул қилинган ҳужжатларда Бағдод босқинчилигини қораладилар ва Ироқдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ватанга қайтганларга товон тўлашга, кимёвий ва биологик қуролларни, узоққа отиладиган ракеталарни тугатишга тегишли резолюцияларини бажаришни, шунингдек ядро қуролини яратиш дастури тўхтатилишини ҳам талаб қилдилар. Шу масала юзасидан маъқулланган резолюцияда Ироққа нисбатан жазо чоралари сақланиб қолиши зарурлиги таъкидланади. Чунки Бағдод урушда мағлубиятга учрагани ҳарамай, ҳали ҳам Қувайт ҳудудига даъвогарлик қилмоқда. Ҳужжатни ўз нуқтаи назарини билдирган Судандан ташқари, барча делегациялар маъқуллади.

Синегал ташқи ишлар вазири Жибо Канинг хабар қилишича, Ислом анжумани ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг якшанба куни ниҳоясига етган учрашувида тайёрланган резолюцияларнинг барча лойиҳалари олий даражадаги учрашувлар ўзгаришсиз тасдиқланган. Ливиянинг АҚШ ва Буюк Британия билан кескин муносабатларига тегишли ҳужжатда Триполининг 1988 йилда Локерби (Шотландия)да йўловчилар тушган ҳаво кемаси портлаганлиги сабабларини текширишда ҳамкорлик қилишга тайёр эканлиги маъқулланади, лекин террористик тадбирни содир этишда шубҳа қилинаётган кишиларни беришдан Ливия бош тортаётганлиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди. Ислом анжумани ташкилоти раҳбарлари Ливиянинг террорчиликни қоралаш тўғрисидаги баёнотини ижобий баҳоладилар.

Яқин Шарқ можароларини бартараф этишга доир резолюцияда бевосита Араб-Исроил музокаралари маъқулланади, унда Исроил босиб олинган ҳудудларда қўнимгоҳлар қуришни тўхтатишга, 1967 йилдаги уруш вақтида босиб олган барча ерлардан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга даъват этилади. БМТ бош ассамблеяси 1975 йилда ирқчилик ва ирқий камситишнинг шакли сифатида сионизмни қораловчи резолюция қабул қилган эди. Америка Қўшма Штатлари ана шу резолюция бекор қилиниши учун куч-ғайрат сарфламоқда. Анжуман делегатлари бунга жавобан ирқчиликнинг қўринниши сифатида сионизмни қоралаб резолюция қабул қилдилар.

Кипрдаги аҳвол тўғрисидаги резолюцияда икки жамоа мутлақо тенглиги эътироф этилган ҳолдагина, уларнинг хавфсизлик, тинчлик ва аҳиллиқда яшашлари учун шароит яратиши уқтириб ўтилади.

Ислом анжумани ташкилотининг олий даражадаги бу катта йиғинида 1979 йилдан бери биринчи марта Эрон раҳбари қатнашмоқда. Мамлакат Президенти Али Акбар Ҳошими-Рафсанжони Ислом давлатлари жаҳон тартиботида алоҳида ўрин эгаллашлари керак, деб айтди. Улар ислом қадриятларига таяниб, қашшоқликни тугатиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилишлари ва ўз мамлакатларининг илмий, иқтисодий ҳамда саноат соҳасида жамоа бўлиб куч-ғайрат сарфлашлари керак, деди у. Ҳошими-Рафсанжони Фаластин масаласини ва мусулмонлар олдида турган бошқа муаммоларни ҳал этишнинг зарур шарти сифатида Ислом дунёси аҳил ва бирдам бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Дакар учрашувида жуда кўп сонли делегацияга бошчилик қилаётган Эрон Президенти Озарбайжоннинг ислом анжумани ташкилотига киришини, шунингдек мусулмонлар яшаётган бошқа Совет республикаларида мустақилликка эришиш тамойиллари пайдо бўлганини табриклади. Биз ислом анжумани ташкилотининг аъзоси сифатида, деб таъкидлади у, бу республикаларнинг озод бўлишини табриклаймиз ва улар бизнинг ислом деб аталган оиламизни янада мустаҳкамлашларига ишонамиз.

(ТАСС).

МУКОФОТ ТОПШИРИШ МАРОСИМИ

ОСЛО. (ТАСС мухбири Валерий Лоскутов). Нобель вафотининг санаси кунида, пойтахт ратушасининг мажлислар залида 1991 йил Нобель тинчлик мукофотини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди. Мьянмада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида фаолият кўрсатиб танилган Аун Сан Су Чжи ана шу мукофотга сазовор бўлди. Норвегия Нобель комитетининг қарорида Су Чжи ўзининг демократия ва инсон ҳуқуқлари учун куч ишлатмай кураш олиб боргани сабабли ана шу мукофотни олиши айтилган. Ҳарбий хунта уни икки йилдан кўпроқ вақтдан бери уй қамоғида сақлаб турибди ва мукофотни топшириш маросимида қатнашишга рухсат бермади. Су Чжининг топширишга мувофиқ унинг катта ўғли Александрга диплом, медаль ва пул паттаси топширилди.

Нобель тинчлик мукофотининг 90 йиллик тарихида лауреатларнинг ишончли вакилларига мукофот топширилганига кўп вақтлар бўлган. Андрей Сахаров ва Лех Валенса номидан тинчлик мукофотларини уларнинг хотинлари олган эди. Дипломатик вакилларга ҳам мукофотлар топширилган Анвар Садат билан Михаил Горбачевга мукофотлар топширишда ҳам шундай бўлган эди.

ОҒИР ХАСТАЛИК

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС мухбири Сергей Бабин). Ассошиэйтед пресс ахборот бошқармасининг хабарига қараганда, Флорида штатининг Форт-Пирс шаҳрида Кимберли Бенгалис деган аёл вафот этган. У тиш даволовчи шифокор ҳузурида бўлган вақтида спид касаллиги юққан биринчи америкалик аёл эди.

Бу воқеа 1990 йилнинг сентябрида бўлганди. Ана шу фавқулодда хатарли хасталик шифокордан юққанлиги тўғрисидаги хабар бутун мамлакатни ларзага солганди. Аввал бу гапга ишонишмади. Кўпчилик Кимберли шундай йўл билан спидга қандай йўлиқканини яширишга уринмоқда, деб ҳисоблаган эди. Бироқ бу аёл ўзининг спидга дучор бўлиши сабаблари хусусида айтилаётган барча миш-мишларни рад этди. Атланта (Жоржия штати)даги касалликларни назорат қилиш федерал маркази мутахассислари раҳбарлигида ўтказилган махсус текширишлар чоғида Кимберли ҳеч қачон эркаклар билан алоқа қилмагани ва қорадори истеъмол қилмаганлиги аниқланди. У ўзининг тиш даволовчи шифокорига борган вақтида спид вируси унга юққан эди. Кимберли Бенгалисдан ташқари, яна тўрт бемор ана шу шифокор ҳузурига бориши натижасида спидга дучор бўлган.

Гўлқайчи

НЕКЎЗНИНГ ФАЙЗИ ҚАНИ?

Некўз қишлоғи Қосон районидаги Ленин номли давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган. Бундан беш-ўн йил муқаддам бу ерда боғроғлар кўп эди. Экинзорлар Эскианҳор канали орқали Зарафшон сувидан баҳраманд бўларди. Анча вақтдан буён унинг аввалги файзи йўқ. Яшнаган боғлардан, токзорлардан ном-нишон қолмаган. Пистали канали сувининг шўрлигидан мевазорлар қуриди. Одамлар томорқаларидан фойда кўришмаяпти. Мева-чевани бозордан сотиб олишади. Ҳар бир хонадонда 15—20 сотих, ундан ҳам кўпроқ ер бўлса-да, бу жойда чорва моллари учун беда, маккажўхори ўстириш мумкин, холос. Қишлоқнинг кекса деҳқонларидан бири, хўжаликда қирқ йилдан ортиқ механизаторлик қилган, ўн бир фарзанднинг отаси Абдухалил Ёрматов шундай дейди:

— Ҳар боши ҳайратда қолдирувчи ҳусайни ва даройи узумлари, бошқа мевачевалари энди йўқ. Бу ернинг қовун-тарвузлари бир пайтлар Қарши ва Қосон шаҳарларининг бозорларини тўлдириб ётарди. Ҳозир бу неъматларни ўзимиз сотиб олаяпмиз.

— Абдуҳалил ака рост гапни айтди,— деди хўжалик директори Мирза Ортиев. — Нафақат, Некўз, балки Тайзан, Бовурдоқ, Хўжақўрғон, Кўлбуқа, Қовоқли, Обдида, Каманди қишлоқларида ҳам аҳвол шу. Текшириб аниқланишича, хўжалик учун ажратиладиган обиҳаёт таркибида 20 фоизга яқин туз моддаси бор. Бунинг сабаби, Қашқадарё орқали бизга келадиган Чимқўрғон суви Қамаши районининг Чим ва Қоратикан қишлоқлари чегарасида Қилли коллекторининг шўр сув билан аралашади. Шу ҳолатда Ленин номли, қўшни Қарши районининг Энгельс номли, Акмал Икромов номли, Темир Мирзаев номли, «Қарши» давлат хўжаликлари ерларига оқаётир. Улар ҳам меҳнатнинг зўри, техника, ўғитнинг кучи билан пахта ва бошқа экинлардан ҳосил олиб туришибди. Қилинаётган меҳнат сарфланган ҳаражатни зўрға қоплаяпти.

Иш шу аҳволда давом этаверса, деҳқончилигимиз издан чиқиб, авлодлар насибаси қийилиши, улар олдида юзимиз шувит бўлиб қолиши турган гап. Фикримизни вилоят суғориш тармоқлари идорасидаги масъул ўртоқларга айтдик. Лекин ҳануз чораси кўрилмаяпти.

Қашқадарёнинг ўнг ва сўл ҳосилларида жойлашган Худойзод, Араловул, Паргўза, Арабхона, Ҳилол, Перон, Сарой, Сарой Керайит, Ўзунаво, Шайхали каби йирмадан ортиқ қишлоқларда ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин. Аҳолининг кўпчилиги мевачева маҳсулотларини бозордан харид қилаётир. Уларнинг сотувга чиқарадиган асосий маҳсулотлари эса кўк пиёз, турп, шивит бўлиб, шулар ҳам бир парча ерда водопровод суви билан етиштирилаётир. Шаҳарлар, айрим районлар деҳқон бозорларини қўшни вилоятлардан келганлар сабзавот, полиз, мева-чева билан тўлдириб туришибди. Лекин бу маҳаллий шароитда экин-тикин бўлмайди, мева-чева битмас экан, деган гап эмас.

Одамларга турар-жой учун шахсий участка ва қўшимча томорқа ери ажратилаётгани, узоқ муддатли қарзлар берилиши қишлоқда ижтимоий масалаларни ҳал этиш, хусусий деҳқончилик маданиятини ривожлантириш имконини бермоқда. Вилоятда 182 мингдан ортиқ оиланинг 68.422 тасига қўшимча ер берилди. Шунга ажратилган 13.529 гектар майдоннинг ҳаммаси тақсимланди. Бугунги кунда хонадонларнинг ер участкаси ҳажми ўртача 8 сотихдан 19 сотихга етган.

Аммо воҳадаги барча оилалар томорқа ерларидан кўп фойда кўраяптилар, деб бўлмайди. Қарши районидаги Темир Мирзаев номли давлат хўжалигидаги аҳвол бунга ёрқин мисол. Томорқа ерлар (хўжалик экин майдонлари ҳам) ишдан чиққанлиги туфайли деҳқонлар дуруст ҳосил ололмаётирлар. Экинларга тараладиган туз аралаш сув тупроқ ҳолатини бузиб юборган. Боғлар яхши ривожланмай, ниҳоллар қуриб бормоқда. Беш-олти йил бурун экилган олма, ўрик, шафтоли, беҳи кўчатларининг авжи паст, баландлиги одам бўйидан ошмайди. Чинор, терак, тол сингари манзарали дарахтлар ривожи ҳам сust. Қаршидан чиқиб, Косон томонга юрсангиз бу аянчли ўз кўзингиз билан кўрасиз. Қуриган токзорларга, нимжон олма дарахтларига дуч келасиз. Бу ҳам майли. Бир туп помидор, бодринг, қовун-тарвуз ўстиролмай қийналаётган деҳқон ҳасратидан чанг чиқади.

Халқимиз «Ери бойнинг — эли бой», «Ерга эъзоз — элга эъзоз» деган. Табаррук заминга ақл-идрок, меҳр билан қарасак қишлоқлар обод, дастурхонлар файзли, халқимиз тўқ бўлади.

И. АМИРҚУЛОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Сиз суратда кўриб турган бу тикувчи аёлнинг ишдан, ҳаётидан мамнун-бахтиёрлиги юз чеҳрасидан кўриниб турибди. Сидқидилдан ишлаб, меҳнатига яраша ҳақ олаётган кишининг чеҳрасидан ҳамиша нур таралиб туради.

Муҳаббатхон Рахмонова Андижон бадиий буюмлар фабрикасида 20 йилдан бери ҳалол ишлаб келмоқда. Корхона ҳар йили уч миллион сўм соф фойда олаяпти. Маблағ биринчи галда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, жиҳозларни янгилашга, янги ишчи ўринларини яратишга сарфланмоқда, ходимларга салмоқли маош ва 100 сўмдан қоплама пули тўланаяпти. Уларнинг меҳнат қилиб, дам олишлари, ўз саломатлигини мустаҳкамлашлари учун ҳамма шароит яратилган.

СУРАТДА: корхонанинг чевар тикувчиси М. Рахмонова.

Ш. АЛИМОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

Овчи ён дафтаридан

ЧИЯБЎРИНИНГ КЎЗЁШИ

Қуёш ботиб, оқшом туша бошлади. Ов милтиқларининг овози тинди. Қоронғилик тушиб, атрофга тун сукунати чўкканда биз кечаси тунайдиган бошпанамиздан анча узоқда, Арнасой бўйларида юрардик. Резина этик кийиб олганимиздан кун бўйи кўп юрганимиз туфайли оёқларимиз толиққан, зирқираб оғрирди.

Бошпанамиз олис. У ерга етиб бориш учун анча юришимиз керак. Шу боис соҳил бўйида тунаб қолишга қарор қилдик. Қуруқ қамишларни ўриб, уларнинг устига брезент ташлагач, бошимиз остига халтачаларимизни қўйиб, аста чўзилдик.

Кун бўйи юриш бизни роса ҳоритганди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб-ўтмай кўзларимиз илинганини ҳам сезмай қолибмиз.

Теварак-атрофдан келган сирли шарпадан уйғониб кетдим. Қоқ ярим кеча эди. Атрофимга аста назар ташладим. Унг томонимда, қамишлар орасидан чиябўриларнинг аянчли овози келарди. Уларнинг увиллашидан тун бўйи тентираб юриш жониворларнинг ҳам жонига текканлигини билиб олиш қийин эмасди.

Осмонга кўтарилган ой ердан нигоҳини узолмас, гўё бизни томоша қилаётгандек туюларди. У юлдузларни оралаб ғарб томон ўз йўлида аста-секин давом этарди. Осмон тип-тиниқ, саноғи йўқ юлдузлар ҳам кўз узолмай боқарди. Тўлин ой нури теварак-атрофни сутдек оппоқ қилиб ёритган.

Шу орада мен билан ёнма-ён чўзилган Нўъмон ҳам уйғониб кетган, ётган жойида осмонга жим боқарди.

— Чиябўрилар нега йиғлашяптийкин? — деб сўрадим ундан. Чамаси у ҳам бунга ҳайрон эди: — Илгари улар бу ерда учрашмасди?

— Бизни аяшяпти, — деди Нўъмон бир ёнидан иккинчи ёнига ағдарилиб. Кўп ўтмай у ҳуррак ота бошлади.

Мен соатимга қарадим: тонг отишига анча вақт бор. Атрофга яна бир нигоҳ ташладим-да, ёнбошладим. Ҳаёлимда чиябўрилар. Улар ҳужум қилиб қолишса-чи? Шу ҳақда ўйлай-ўйлай ухлаб қолганимни ҳам сезмай қолибман...

Бу ерларда одатга кўра тонг отар дамларида совуқ тушади. Биз эрталабки совуқдан уйғониб кетдик. Ҳаммаёққа шудринг тушган, изғирин шамол ғириллаб эсарди. Аммо борлиқ шу қадар тинч ва осойишта бўлиб, буни таърифлашга ожиз эдик.

Ўрнимиздан бирин-кетин турдик-да, брезентни йиғиштирдик, милтиқларимизни кўздан кечирдик. Халтачаларимизни қўлга олган эдик, улар негадир одатдагидан енгил эди. Ичини очиб қарасак, бўм-бўш... Ҳайрон бўлганча бир-биримизга тикилиб қолдик. Ёввойи ўрдаклар қанийкин? Иккаламизнинг ҳам хаёлимизда шу савол. Барон Мюнхгаузен ҳаётида рўй берганидек, улар тирилиб, учиб кетишмаган бўлса керак? Божмон тунаб қолган жойимизни синчиклаб, кўздан кечириб чиқди. Сўнгра пастликка тушди. Қамишлар орасига қўл чирақчасини ёқиб, назар солди. У ҳайрон бўлган ҳолда деди:

— Шунча йил овчилик қилиб, бунақа ҳодисага илк дафъа дуч келишим. Камдан-кам рўй берадиган воқеа бу...

— Нима бўлибди? — деб сўрадим мен ҳеч нарсани тушунмай.

— Нима бўларди, — дея қичқирди. — Бу чиябўриларнинг иши. Улар кечаси билдирмай келиб, халтачаларимиздаги ёввойи ўрдакларни олиб кетишибди. Вой айёрлар-ей! Тулкилардан қолишмайди улар.

«Ана, холос», дедим мен ўзимча. Нўъмоннинг: «улар бизни аяшди» деган сўзларини эсладим. Сўнгра дедим:

— Чиябўрилар бизни ҳорибчарчашган, манзилига бемалол етиб олишсин, дейишибди-да!

Нўъмон ҳам, мен ҳам беихтиёр кулиб юбордик. У қўлларини силкитиб:

— Шошмай туринглар ҳали, адабингизни бир бериб қўяман, — деди.

Шу орада атроф ёришиб, тонг оппоқ отди. Биз ноилож йўлга тушдик.

Николай КРАСИЛЬНИКОВ.

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

Юсуфий «Илож ал амроз» («Касалликлар давоси») рисоласида ҳафақон касаллигининг давоси ёзилган.

Хафақон хасталиги инсон саломатлиги учун энг хавфли дардлардан. Маълумки, соғлом кишининг қон босими ёшига мутаносиб равишда баланд даражаси 100—150 мм, паст даражаси 70—90 мм симоб устуни босимига тенг бўлади. Ҳар иккала даражанинг бундай ортиши хафақон касаллигига олиб келади. Хасталикнинг аломатлари қуйидагича: бош оғирлашади ва оғрийди, юз ва кўзнинг оқи қизаради, қулоқ шанғиллайди, юрак уриши тезлашади ва санчади, уйқусизлик, нотинчлик вужудга келади. Агар тезда олди олинмаса, инсулът (бош мия қон айланишининг бузилиши), инфаркт (юрак мушак тўқималарининг қон билан таъминланишининг бузилиши), фалаж каби нохуш натижаларга, ҳаттоки ўлимга олиб келиши мумкин.

Хасталикнинг дастлабки белгилари пайдо бўлиши биланоқ дарҳол шифокорга мурожаат қилиб, даволаниш керак. Қон босими ортиши ёки хафақон хасталигини даволашда шифобахш ўсимликлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Уларга кийикпанжа, зирк, қуддус, ёронгул, қашқарбеда, тоғрайҳон, тирноқгул, пиёз, лимонўт, қалампирялпиз, семизак, қора итузум, жаг-жаг, баргизуб, арслонқуйруқ, укроп, қирқбўғин, қорақиз, саримсоқ, отқулоқ киради.

Энди Юсуфийнинг тиббий рубоийларида айтилган дори воситаларининг маъносига келсак гулоб атиргулдан тайёрланган дамлама, кофур — камфора, сандал — сандал дарахти пўстлоғидан тайёрланган қайнатма, анбар — мумсимон хушбўй модда, кашалот (кит), лимон, голия, анбар, бон дарахти ёғи ва бошқа хушбўй моддалар қўшилиб мураккаб дори тайёрланади. Бундай малҳам билан табиблар қон босими ортишини даволаб келганлар. Қисқаси, хафақон хасталигини гиёҳлар билан даволашнинг фойдаси ғоят каттадир.

Н. УСМОНОВА,
доришунос.

ИШТИЁҚ АЪЛО, ШАРОИТ РАСВО

Ўғилхон Алихўжаева номини «Катта кўча» маҳалласидагина эмас, балки Тошлоқ районни маданият ходимлари, «Оқ олтин» колхози меҳнаткашлари ҳам ҳурмат билан тилга оладилар. 17 йилдирки, Ўғилхон мингдан ортиқ аҳолига эга бўлган маҳалла меҳнаткашларига знё тарқатиб, район марказий кутубхонасининг 15-бўлимига мудиралик қилаётир.

Кутубхонада ҳамма нарса дид билан ўз жойини топган. Чиройли кўчирмалар, ҳикматли мақоллар ва иборалар, жавонларга номма-ном қўйилган адабиётлар китобхонинг ҳар қандай асарни қийналмай топишига ёрдам беради. Кутубхона 8300 китобга, 605 донимий аъзога эга. 10 га яқин номдаги газета-журнал олиб турилади.

Ў. Алихўжаева фақат китоб тарқатиб қолмай, қишлоқ кишиларининг маънавий қиёфасини шакллантиришга ҳам ҳисса қўшмоқда. Ў тез-тез турли мавзуларда суҳбат, эрталиклар, учрашувлар ва викториналар уюштирмоқда. Маҳалладаги энг яхши оилалар мисолида «Оила тотувлиги нимада?» «Маҳалланинг фаол хотин-қизлари», мавзусида суҳбатлар ташкил этаётир.

Кутубхонада хотин-қизлар клуби ҳамда маҳалладаги 8 нафар уруш фахрийси, афғон уруши ногиронлари учун 13 ўқувчидан иборат фаоллар ташкил этилган. Ҳар бир уруш фахрийси, байналмилалчи жангчилар учун алоҳида альбомлар очиб, унда ҳукуматимиз томонидан берилган мукофотлар кўрсатилган.

Лекин қишлоқ меҳнаткашларига маърифат тарқатаётган знёкор ва знё масканига эътибор йўқ. Тўкилай деб турган бинотор. А. Норматова мудир бўлган тожик қишлоғидаги 14-кутубхонанинг аҳволи айниқса ночор. Хонада иккитагина стол. Деворлар дарз кетган, жовонлар орасига китобхон бемалол ўтолмайди. Колхоз раҳбарлари аҳволни кўра била туриб унни ўзи бўларчиликка ташлаб қўйишган. Қишлоқдаги барча кутубхоналарга ҳам муносабат ана шундай.

Ҳ. ОРИПОВ.

Ранг кўр, ҳол сўр...

— Йўл бўлсин, Қодир ака?
— Хорижга, шартнома тузиб келай...

Шавкат МУЗАФФАР ўғли чизган расмлар.

БИР ЎЖАРЛИК АСОРАТИ

Гулистон ёғ-экстракция заводи қаршисида озиқ-овқат дўкони жойлашган. Лекин, унга қирсангиз, ўсимлик ёғи тополмайсиз. Вилоят марказининг бошқа савдо шохобчаларида, умуман бутун Мирзачўлда ёғ топиш амримаҳол бўлиб қолди. Ажабланаяпсизми? Ахир пахта бор-ку, ҳатто уни тайёрлаш режаси ошириб бажарилган, қизиғи шундаки, кундуз куни чироқ ёқиб ҳам пахта ёғини тополмайсиз.

Бундай аҳвол сабаблари 12 йил олдин «режалаштирилган» эди. Кимнингдир миясига ёғ ишлаб чиқарадиган корхона қуришдек чиройли фикр келиб қолди. Лекин пахта ёғи эмас, балки кунгабоқар ва соядан ёғ ишлаб чиқарадиган комбинат қуриш нияти туғилди. Лекин бу фикрни қандай қилиб амалга ошириш керак: ажаб дунё экан. Пахта шундайгина ёнимизда турган бир пайтда, сояни қаердан ҳам излаб топиб бўларди. Умуман Мирзачўлда уни кўрган киши бормикан? Кунгабоқар эса кўпинча шахсий хўжаликларда учрайди.

Узоқни кўрадиган одамлар ана шу фикрни айтиб, огоҳлантиришди. Лекин уларни эшитишни хоҳлашмасди. Шу пайт Германия Федератив Республикасидан ускуналар кела бошлади. У жуда замонавий ускуналар бўлиб, чигит уруғини қайта ишлай олмасди.

Завод 1979 йилда фойдаланишга топширилди. Бироқ ғамлаб қўйилган соя уруғлари узоққа етмади. Хом ашё ғамланган омбор бўшаб қолди, корхона ҳам тез орада тўхтайдиганга ўхшарди. Ана ўшанда нима қилишларини билмай, чигит уруғини ишга солишди. Табиийки, чигит уруғини ишлашга мўлжалланмаган ускуналар панд бера бошлади. Уруғларга дастлабки ишлов берадиган янги участкалар қуришга тўғри келди. 1987 йилда ҳаммаси жойига тушгандек бўлди, ойига 3,5 минг тоннагача ёғ бера бошладилар.

Афсуски, яна фалокат бошланди. Чет элдан келтирилган ускуналар ишдан чиқа бошлади. Уни алмаштириш учун имконият йўқ эди. Чунки фирма билан тузилган шартнома муддати тугаган эди.

Заводнинг киши раҳмини келтирадиган тарихи шундай. Бугун корхона ходимлари ускуналарни қаердан топсак экан, дея бош қотириб ўтиришибди. Эҳтиёт қисмлар топиш мумкин. Лекин уни ҳам «Узпишчепром» концернига ёғ топириш эвазига олса бўлади. Нима ҳам қилиша оларди, мол алмашишми—алмашишда. Ватанимизда ишлаб чиқарилган ускуналар ремонтига керакли маблағларни ажратиш учун техникавий-иқтисодий далил-исботлар тайёрланмоқда. Хуллас, заводдагилар бундай аҳволдан қутулиш йўлини излашмоқда.

Г. ОГОРОДОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

14 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».
*
9.00 «Саломат бўлинг!».
9.30 «Олтин водий қалби». Ҳужжатли фильм («Узбектелефильм»).
10.10 «Экология». Телевизион альманах.
10.50 «Дала юмушлари».
11.20 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Суръат Пўлатов таваллудининг 60 йиллигига бағишланади.
12.05 Қамер куйларидан концерт.
12.35 «Кечмишларнинг ҳикояси бу». Бадиий фильм («Ленфильм»).
14.10 «Мулоҳаза». Адабиёт дарсликлари ҳақида.
* * *
18.00 «Нима кучлироқ!». Мультфильм.
18.10 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Китоб — ўтмиш ва келажак кўприги».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Тилга эътибор...».
20.20 Шокирхон Ҳакимов ғазалларига ёзилган қўшиқлар.
21.00 «Ҳафтанома».
22.00 Мусиқамиз хазинасидан. «Ушшоқ».
23.15 Экранда—кинокомедия. «Тўйлар муборак» («Ўзбекфильм»).
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШХОБОД КЎРСАТАДИ:
10.45 «Раққос Кетини». Ҳужжатли фильм.
11.05 «Қизилқум ғўйлаб етти юз йигирма минг қадам», «Қўҳна Лебаб ерларида». Ҳужжатли фильмлар.
11.35 «Хатларингиз асосида...».
12.25 «Ойхон Ҳожиев». Ҳужжатли фильм.
12.45 «Гиламинг жилолари». Телефильм.
13.00 «Оба дурмуши». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув.
14.00 «Эдеп».
* * *
17.05 «Оналар мактаби».
17.35 «Етгинжек».
18.35 ТКПнинг XXV съездига.
19.00 «Ота макон». Манзарали фильм.
20.00 «Туркманистон».
20.15 Кичкинтойлар, сизлар учун.
20.30 «Бош тошдан». Қисқа метражли бадиий фильм.
21.00 «Туркманистон».
21.30 Москва. Информацион программа.
22.10 «Илҳом». Адабий кўрсатув.

● МТ

«Орбита IV»
7.00 Ритмик гимнастика.
7.30 «Қалб кўри билан». Рус маданияти ҳомийси, коллекционер ва мусаввир М. К. Тенишева ҳақида.
8.15 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
9.15 Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.45 ТСН.
10.00 Ишбилармон кишилар телеклуби. «Тадбиркор».
11.00 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
11.45 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
13.00 Иқтисодий ҳамдўстлик мамлакатлари ёшлар оркестрининг концерти.
15.10 «Мусиқа дўкони».
15.40 Режиссёр М. Калик фильмлари. «Қуёш ортидан бораётган киши» («Молдовафилм»).
16.50 «Ер—она масканимиз». Фототанлов.
16.55 Экологик хроника.
17.20 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф». 11-кўрсатув.
17.50 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 24-серия.
18.15 Экранда биринчи марта. «Авлоднинг давоми». Бадиий фильм («Ленфильм»).
19.40 «Нилуфар». Мультфильм.
19.50 «Фуқаро Андрей Сахаров». Ҳужжатли фильм премьераси («Вашингтон медиа ассошиэйтс инк» кинокомпанияси).
21.30 Информацион программа.
22.05 «Бахтли тасодиф». Оилавий телевикторина.
23.05 ТСН (сурдо таржимаси билан).
23.20 «Театр + ТВ».
00.50 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.

Ўзбекистон Жумҳурияти деҳқончилик-саноат комплексини моддий-техникавий таъминлаш ва техника тузатиш давлат-кооператив қўмитаси жамоаси шу қўмита бош ҳисобчиси А. А. Шокировга акаси

Муҳаммаджон АНОРБОЙ ўғлининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, Б. МАХСИТОВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, Т. СОЛИЕВ, С. СИРОЖИДДИНОВ, Э. ИБРОҲИМОВ, М. АБДУРАҲМОНОВ, Н. ТОШЕВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовощвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-54-33. Қайта ишлаш саноати бўлими — 32-56-31. Советлар ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими — 32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-54-33. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Ленинград кўчаси, 32. Нашр кўрсаткич — 64.602, 68.753 нусхада чоп этилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 22.05 Буюртма —6486.